QONUNCHILIK VA HUQUQ-TARTIBOT UCHUN

# POSTDA

GAZETA 1930-YIL 12-MAYDAN CHIQA BOSHLAGAN • 2009-yil 28-fevral, shanba • №9(3799)

САФИМИЗДА ШУНДАЙ АЁЛЛАР БОР

## Бурчига содиқ Наргиза



Ички ишлар идораларида хизмат қилиш нақадар машаққатли бўлмасин, кўплаб аёлларимиз, шижоатли қизларимиз бу соҳада эркаклар билан бир сафда елкадош бўлмоқдалар. Ана шундай эл дарди билан яшаётган аёллардан бири Хоразм вилояти ИИБ молия-иқтисод бўлими ҳисобчиси, сержант Наргиза Жуманиёзовадир. Мана, тўққиз йилдирки, у севган касбини ардоқлаб, сидқидилдан хизмат қилиб келяпти. Вилоят ИИБ қўриқлаш бўлими ходимлари, сержантлар Ширинжон Ибрагимова, Зулфия Абдукаримова, Замира Юсупова, Ойбиби Қобулова сингари устозларининг ўгитларига амал қилиб, тажрибаларини ўрганиб, хизмат фидойиси деган юксак номга сазовор бўлди.

– Бу соҳа ниҳоятда масъулият билан хизмат қилишни тақозо этади, – дейди сержант Наргиза Жуманиёзова. – Ҳисоб-китоб ишлари аниқликни талаб этади. Чунки, давлатимиз хазинасидан сарфланаётган пуллар эзгу мақсадларга йўналтирилган экан, уларнинг ҳисобини тўғри олиб бориш лозим. Шу жиҳатдан бизнинг хизмат ҳам ўта масъулиятли.

Наргизадаги теран фикр, касбига бўлган садоқат, ёшларга хос ғайрат шижоат яққол сезилиб туради. У ўз зиммасидаги топшириқларни бекаму кўст адо этиш билан бирга бошқармадаги жамоат ишларида ҳам доимо фаол. Айниқса, у байрам тадбирларида, турли учрашув ва кечаларда ўзининг ташаббускорлигини, фаоллигини намоён этиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

Айни дамда у Халқаро хотин-қизлар куни ва Наврўз байрамини ўтказиш юзасидан режаларни амалга оширишда фаол иштирок этяпти.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Постда» мухбири.**

**Суратда:** ***Хоразм вилояти ИИБ молия-иқтисод бўлими ҳисобчиси, сержант Наргиза Жуманиёзова ҳамкасби, кичик сержант Зайнаб Матёқубова билан хизмат пайтида.***

**Муаллиф олган сурат.**

*Хоразм вилояти.*

## ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

**Сиз ҳуқуқ-тартибот ва қонунчилик бузилишига оид ҳар қандай масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Транспорт ИИБ навбатчилик қисмларига қуйидаги «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ» орқали мурожаат қилишингиз мумкин.**

**Мурожаат этган шахснинг исм-шарифи сир сақланиши кафолатланади.**

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ» РАҚАМЛАРИ:

| | |
|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (8-371) 233-22-33, 233-39-39** | **Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-366) 233-00-00** |
| **Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (8-361) 222-56-76** | **Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-367) 225-33-30** |
| **Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси (8-371) 232-03-30** | **Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-376) 227-25-51** |
| **Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-374) 224-87-50** | **Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-371) 264-18-32** |
| **Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-365) 224-64-86** | **Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-373) 224-29-08** |
| **Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-372) 226-03-02** | **Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-362) 226-37-10** |
| **Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-436) 223-06-71** | **Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-375) 221-82-45** |
| **Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-369) 226-60-55** | **Транспорт Ички ишлар бошқармаси (8-371) 252-61-39** |

МИНИ-ФУТБОЛ

## МУСОБАҚА САВИЯСИ ОШМОҚДА



**Кейинги йилларда мамлакатимизда спорт ривожланмоқда. Спортчиларимиз эришаётган ҳар бир ютуқ ёки ғалабадан олам-олам қувонсак, улар шарафига жаҳон спорт ареналарида юртимиз байроғи баланд кўтарилиб, Давлатимиз мадҳияси янграши қалбларга чексиз фахр, гурур бағишлайди. Барча жабҳаларда бўлганидек, ҳуқуқ-тартибот идораларида, хусусан, ички ишлар идораларида жисмоний тарбия ва спортни ходимлар ўртасида оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бунинг самараси ўлароқ, спорт мусобақаларининг осойишталик посбонлари орасида ўтказилиши уларнинг жисмоний баркамол, жанговар шайлигида муҳим омил бўлмоқда.**



Аввал хабар берганимиздек, республика ИИВ Марказий аппарати Бош бошқарма, бошқармалар, мустақил бўлимлар ходимлари ўртасида мини-футбол мусобақаси ўтказилди. Ўтган шанба куни турнирнинг ҳал қилувчи беллашувларида ғолиб жамоалар аниқланди.

Аввало, мусобақага тўхталадиган бўлсак, барча жамоа футзалчилари ғолиблик учун ҳаракат қилишди. Айниқса, вазирлик «Қўриқлаш» Бирлашмаси, Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш ҳамда Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармалари жамоаларининг ғалабага бўлган иштиёқ кучли эди. Аммо мусобақада ҳаммасини юмалоқ тўп ҳал қилади, деганларидек кучлилар сараланди.

Қизғин ва муросасиз баҳсларга бой бўлган беллашувда вазирлик ЖҚ ва ТҚКББ ҳамда Моддий-техника таъминоти бошқармаси жамоалари учинчи ўрин учун тўп суришди. Қизғин тус олган ўйинда таъминотчиларнинг қўли баланд келди.

Мусобақанинг ҳаяжонли финал баҳсида барча рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмаган ИИВ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати ва Жазони ижро этиш Бош бошқармаси вакиллари ғолиблик учун майдонга тушишди. Иккала жамоа ҳам финалгача қийинчилик билан йўл босиб ўтганлигини ҳисобга олганда ҳал қилувчи учрашув шиддатли тус олиши аниқ эди.

(Давоми 14-бетда).

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# МАНСАБДОРЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

**Барча мансабдорлик жиноятлари бир-биридан содир этиш усули билан фарқ қилади. Мансабдор шахснинг хизмат вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрганиш орқали жиноят субъектини аниқлашда, яъни пора олиш-беришда ҳамда шу ишда воситачилик қилиш жиноятини содир этишда иштирокчилар манфаатдорлиги, уларнинг доираси кенгайиб бораётганлиги, пора беришнинг янги кўринишлари пайдо бўляпти. Терговчининг далиллар мақбуллигини таъминлашида юзага келаётган қийинчиликлар натижасида ушбу турдаги жиноятларни тергов қилиш жараёнида айрим муаммолар мавжуд.**

Шу ўринда қайд этиш керакки, тергов давомида содир этилган жиноят субъектини ва иштирокчиларини аниқлаш мақсадида мансабдор шахсларнинг хизмат вазифалари тақсимоти, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини акс эттирувчи ҳуқуқий ҳужжатлар тартибга солинмаганлиги сабабли муаммолар келиб чиқаётганлигини кўрсатмоқда. Хусусан, жиноят аломатлари аниқланган маълум бир корхонадаги раҳбар ўринбосарлари ўртасидаги хизмат вазифалари аниқ тақсимланмаганлиги, айрим вазифаларнинг раҳбар томонидан ўзгартирилганлигини тасдиқловчи ёзма ҳужжатлар расмийлаштирилмаслиги (оғзаки равишда эълон қилиш) ҳолатларини мисол сифатида келтириш мумкин.

Шунингдек, иш берувчи билан ишчи ўртасидаги тузилаётган меҳнат шартномасида моддий жавобгарликни белгиловчи банд йўқлиги, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ кўрсатилмаслиги, мансабдор шахс меҳнат таътили, соғлиги ёки иш жойини ўзгартирган вақтда унинг ўрнига вақтинчалик тайинланаётган ходимларнинг билими ва малакаси етарли бўлмаганлиги ҳамда уларга хизмат вазифалари тўлиқ тушунтирилмаслиги оқибатида мансабдорлик жиноятлари вужудга келмоқда.

Пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилишда томонларнинг ўзаро манфаатлари борлиги сабабли ушбу турдаги жиноятларни тергов қилишда бир қанча қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Биринчидан, пора олиш ва беришда ҳамда воситачилик қилишдаги жиноий фаолият асосий ҳолларда гувоҳлар иштирокисиз амалга оширилади. Иккинчидан, пора олувчи, пора берувчи ва воситачи шахслар жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги сабабли, ўзининг жиноий фаолиятини тасдиқловчи барча далилларни яширишга ва йўқ қилишга ҳаракат қиладилар. Учинчидан, жиноят иштирокчилари жавобгарликка тортилишини тушуниб етгани ҳолда бир-бирлари билан тил бириктириб, ёлғон кўргазмалар беришлари ва ўзларининг ҳамтовоқларини ошкор қилмасликка уринишади. Шу билан бирга, порахўрлик жиноятларини содир этишда иштирок этувчиларнинг доираси кенгайиб бораётганлиги ва унинг ҳуқуқий жиҳатлари такомиллаштирилмаганлиги боис, тергов жараёнида шахсларнинг хатти-ҳаракатларини тўғри баҳолашга тўсқинлик қилмоқда.

Жумладан, ҳозирги пайтда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларидан ташқари турли нодавлат, нотижорат идоралари, иқтисодий фаолият юритувчи субъектлар ҳамда жамият ҳаётининг бошқа соҳаларидаги муносабатларни тартибга солувчи тузилмалар шаклланган. Уларда фаолият юритувчи мансабдор шахс, давлат хизматчиси ва бошқа тоифадаги ходимларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи асослар тўлиқ кўрсатилмаган. Бу тушунчалар эса жиноят қонунчилигида ҳуқуқий категория сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, пора беришнинг янги кўринишлари пайдо бўлиши натижасида тергов жараёнида шахснинг айбини тасдиқловчи далилларни аниқлаш ва уларнинг мақбуллигини таъминлашнинг мураккаблиги ҳам бир қанча муаммоларни келтираётганлигини айтиб ўтиш ўринлидир. Пора сифатида пул, қимматбаҳо буюмлар ва тақинчоқлар берилиши билан бирга, турли шаклдаги гонорарлар, чет давлатлар, дам олиш жойлари ва курортларга жўнатиш ҳамда дунёнинг ҳохлаган жойида электрон пуллардан фойдаланиш имкониятлари яратиб берилмоқда. Шунингдек, қонуний тус берилган, лекин шу орқали ўзига оғдириб олиш ёки манфаатига хизмат қилдириш мақсадида турли ташкилот ва фуқаролар томонидан ҳомийлик ёрдами сифатида бериладиган мол-мулклар, маблағлар ва шунга ўхшаш тўловларнинг айнан пора сифатида берилганлигининг исботланиши қийинлиги сабабли терговчи томонидан ҳар томонлама текширилиши ва асосланиши ўзига хос мураккаб жараён ҳисобланади.

Айрим ҳолларда мансабдор шахс порани қонуний амалга оширган хатти-ҳаракатлари учун олиши мумкин. Бу мансабдор шахснинг ноқонуний хатти-ҳаракатларининг излари қолмаслигини ёки унинг маълум қарорга келишининг шахсий манфаатдорлигини кўрсатувчи билвосита излари қолиши ҳамда жиноят изларини ўзида акс эттирадиган ҳужжатларни сақлаш билан юзага келадиган (йўқотиш ёки муддатидан олдин йўқ қилиш) ҳолатларни келтириб чиқаради.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ушбу турдаги жиноятларни тергов қилиш жараёнида ижтимоий муносабатларнинг такомиллашиб бораётганлиги ва технологиялар ривожланиши билан боғлиқ муаммолар вужудга келаётганлигини айтиб ўтиш лозим. Мансабдорлик жиноятлари содир этилиш ҳолатларини камайтириш чора-тадбирлари амалга оширилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги оқибатида жамиятда аҳолининг давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органларига ишончи йўқолишига ва қонун устуворлиги тамойилига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

**Акмал БОБОЕВ,**
**катта лейтенант.**

ПАЙҲОН

## ЖАРИМА МАЙСАЛАРНИ ТИКЛАМАЙДИ

***Жиззах вилояти ички ишлар идоралари ходимлари ҳам ғалла майдонларини пайҳон қилинишининг олдини олиш учун зарур чоралар кўришмоқда. Жами 363 та кузатув пунктларида 1700га яқин қоровуллар далаларни назоратга олишган. Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, айрим фуқаролар қорамол, қўй-эчкиларни далага қўйиб юбориб, эътиборсиз бўлмоқдалар. Натижада, қаровсиз қолган моллар ғалла майдонларига тушиб, майсаларни пайҳон қиляпти. Йил бошидан буён тўққизта пайҳон ҳолатлари аниқланиб, айбдорлардан бир миллион сўмдан ортиқ жарима ундирилди.***

Мирзачўл тумани Янгидала қишлоғидаги Сегизбоев кўчасида истиқомат қилувчи Равшан Абдурашидовнинг 15 бош қорамоли «Асқарбек-77» фермер хўжалигининг ғалла майдонини пайҳон қилиб, 215 минг сўм миқдорда моддий зарар етказган. Қишлоқ фуқаролар йиғини қарорига асосан, бир бош қорамол сўйилиб, гўшти тумандаги «Дилноза», «Учкун», «Юлдузча» боғчаларига топширилган.

Зарбдор тумани Тараққиёт маҳалласида яшовчи фуқаро Одил Қурбоновга тегишли бўлган олти бош қорамол Камолиддин номли фермер хўжалигининг ғалла майдонини пайҳон қилиб, 120 минг сўм миқдорда моддий зарар етказгани учун «Тараққиёт» ҚФЙнинг қарорига кўра бир бош қорамол белгиланган тартибда сўйилди.

Айбдорлардан жарима ундирилаяпти, тегишли чоралар кўрилмоқда. Аммо нобуд бўлган майсаларни жарималар билан тиклаб бўлмайди, албатта. Буни фуқароларимиз тушуниб етишлари керак.

**Собир ЮНУСОВ,**
**катта лейтенант.**

*Жиззах вилояти.*

***Сирдарё вилояти далаларида ҳам ғалла экинлари баравж ўсмоқда. Ниҳоллар мўл ҳосил олинишидан дарак бермоқда. Бироқ айрим фуқароларнинг лоқайдлиги, эътиборсизлиги оқибатида экинзорларнинг пайҳон қилиниши ҳолатларига учраб турибди. Пайҳонгарчиликка йўл қўйган фуқароларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда чоралар кўрилмоқда.***

## ЭЪТИБОРСИЗЛИК ҚИММАТГА ТУШЯПТИ

Боёвут туманидаги Садриддин Айний маҳалласида яшовчи Ш. Муродовнинг олти бош қўйи шу хўжаликдаги «Мурод» фермер хўжалигининг ғалла майдонини пайҳон қилиб, 30 минг сўм зарар етказган. Қишлоқ фуқаролар йиғини қарорига биноан Ш. Муродовнинг бир бош қўйи сўйилиб, кам таъминланган оилаларга тарқатилди.

Ховос тумани ИИБ профилактика инспектори, капитан С. Қурбонов томонидан фуқаро А. Ҳамралиевнинг тўрт бош эчкиси «Манас» фермер хўжалигининг ғаллазорларини пайҳон қилгани аниқланган. Фуқаро А. Ҳамралиевга 30 минг сўм жарима солинди.

Ҳадемай бошоқлаб, дон бўладиган майсаларни қорамоли, қўй-эчкилари пайҳон қилган фуқаролар ризқ-рўзимизнинг увол бўлаётганини англаб етишлари лозим.

**Назиржон ЙЎЛДОШЕВ,**
**катта лейтенант.**

*Сирдарё вилояти.*

## ЖАҲОН



## АЙВОНИДА

### ТЎРТ МИЛЛИАРДГА ЯҚИН

Испаниянинг Барселона шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон уяли алоқа конгрессида келтирилган маълумотларга кўра, бугунги кунда сайёрамизда алоқанинг бу туридан фойдаланувчилар сони 3,5 миллиарддан ошиб кетган. Бу борада ўсиш шиддат билан давом этмоқда.

### МИТТИ ПРИНТЕР

Канаданинг «Planon» компанияси митти принтер ишлаб чиқарди, деб хабар беради **RATA – TASS.** «Printstik PS950» принтери Bluetoth модулли телефон ва ноутбуклардан маълумот олиб, қоғозга чоп этиш хусусиятига эга. Етти юз грамм келадиган митти принтернинг бўйи йигирма беш, эни эса икки юз саксон миллиметрни ташкил этади.

Бир дақиқада уч бет маълумот чоп эта оладиган бу асбоб ҳозирча 200 фунт стерлингга баҳоланган.

### ХИТОЙ БИРИНЧИ ЎРИНДА

Жорий йил январь ойи ҳисоб-китобларига кўра, Хитой Халқ Республикаси автомобиль сотиш бўйича биринчи марта Америка Қўшма Штатларидан ўзиб кетди. Мамлакатда ўтган ой давомида 790 минг дона автомобиль сотилган. Бу борада биринчиликни бермай келаётган АҚШда бу кўрсаткич 657 мингтани ташкил этди.

Экспертларнинг тахминича, 2009 йил давомида Хитойда 10,7 миллион дона машина сотилиши кўзда тутилган.

### ЧЕГАРАЧИЛАР ИСЁНИ

Бангладеш чегарачилари иш ҳақлари, хизмат ўташ шароитларидан норози бўлиб, чоршанба куни эрталаб қўшин штаби (қароргоҳи)-



ни қўлга олишди. Мамлакат Адлия вазири ўринбосари Камрул Исломнинг таъкидлашича, юзга яқин одам гаровга олиниб, исён вақтида 50 нафари ўлдирилган. AFP ахборот агентлигининг маълумотларига қараганда, ҳалок бўлганларнинг 2 нафари юқори мансабли армия зобитларидир.

Давлат бошлиғи исённи тўхтатишса, уларга нисбатан амнистия эълон қилишга таъкидлаган.

### ЯНГИ ХАРИТА ЯРАТИЛДИ

Халқаро тадқиқотчилар гуруҳи Антарктида музликлари остида жойлашган Гамбурцев тоғ тизмаларининг илк топографик харитасини яратишга муваффақ бўлишди. Тоғ тизмаларини ўрганишда тўрт километр қалинликдаги муз қатламини пармалашга тўғри келди.

Бундан ташқари, тадқиқотчилар қалин музликлар остида кўплаб дарё ва кўллар мавжудлигини ҳам аниқлашди.

**Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.**

ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

# ЖАСУР ЎҒЛОН ЖАСОРАТИ



**Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Президентимизнинг Фармонига биноан Самарқанд шаҳар ИИБ 2-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмининг ёнғин ўчирувчиси, сержант Абдураҳим Тўхтамишев Ватанимизнинг юксак мукофоти «Жасорат» медали билан тақдирланди.**

Ўтган йилнинг март ойи эди. Самарқанд шаҳрининг Абу Бакр Розий кўчасидаги хонадонлардан бирида ёнғин содир бўлади. Офатни бартараф қилиш учун етиб келган экипаж аъзолари сафида сержант Абдураҳим Тўхтамишев ҳам бор эди. Ёнғин ўчирувчилар тезда ишга киришар эканлар, ёнаётган уйда одам қолиб кетганлиги маълум бўлади. Сержантлар Абдураҳим Тўхтамишев, Орзу Раҳмонов смена бошлиғи, сержант Зоҳид Отаёров билан ёниб турган хонага ўзларини урдилар. Абдураҳим Тўхтамишев хушсиз ётган эркакни кўради ва уни хўл чойшабга ўраб, кўтариб, ташқарига отилади. Эллик ёшлардаги эркакнинг ҳаётини сақлаб қолади.

Орадан бир ойлар ўтиб кимёгарлар кўрғонидаги кўп қаватли уйлардан бирида кучли ёнғин содир бўлади. Тутун билан тўлган хонада икки нафар аёл қолиб кетганини айтишади. Шунда Абдураҳим Тўхтамишев сержант Акбар Асроров билан хонага кириб аёлларни олиб чиқишади. Йигитларнинг мардлик, жасорат туфайли уларнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Ёнғин ўчирувчи Абдураҳим Тўхтамишевнинг хизмат фаолияти давомида бундай воқеалар кўп бўлган.

— Болалигимда маҳалламиздаги бир хонадонда ёнғин бўлганди, — дея эслайди сержант Абдураҳим Тўхтамишев. — Ўт ўчирувчилар бутун оила аъзоларини ёнғин ичидан олиб чиқишганди. Уларнинг қўрқмасдан аланга ичига ўзларини уриб, одамларни қутқарганларини кўрганлар раҳмат айтишди, кексалар дуо қилишди. Ўшанда менинг қалбимда ёнғин ўчирувчи бўлиш нияти пайдо бўлганди.

Оддий қишлоқ оиласида туғилиб ўсган Абдураҳим ҳарбий хизматдан сўнг, бироз вақт ота-онасига дала ишларида ёрдам бериб юрди. Кейин, Самарқанд шаҳар ИИБ 1-ҳарбийлаштирилган ёнғин ўчириш қисмига ишга кирди. 2002 йилда уни 2-ҲЁХҚга ўтказишди. У хизмат фаолияти давомида ўндан ортиқ кишини олов чангалидан қутқариб, ҳаётини сақлаб қолди.

— Абдураҳим Тўхтамишев маҳоратли, жасур ёнғин ўчирувчиларимиздан, — деди 2-ҲЁХҚ бошлиғи, майор Шуҳрат Ўринов — У оғир дамларда иккиланиб турмасдан, тезда қарор қилади ва ҳар қандай шароитда, вазиятда инсон ҳаётини сақлаб қолишга шошилади. Ёнғин йиллар давомида мисқоллаб йиғилган мол-мулкни сонокли дақиқаларда кулини кўкка совуради. Шунинг учун ҳам ёнғин ўчирувчиларимиз содир бўлган офатни тезда бартараф этишга ҳаракат қиладилар. Бунда А. Тўхтамишев сафдошлари, ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

Абдураҳимга юксак мукофот топширилган куни уни муборакбод этгани маҳалладошлари, узоқ-яқин қариндошлари келишди. Отаси Амирқул ака ўғлининг бу ютуғидан фахрланиб, кўзига ёш олди. Абдураҳим турмуш ўртоғи билан икки ўғилни тарбиялашяпти. Катта ўғли Фаридун ҳар гал отаси билан суҳбатлашганда «Мен сиз каби ўт ўчирувчи бўлиб, одамларни офатдан қутқараман» дейди. Демак, Абдураҳимнинг изи давом этади, мард, жасур ўғлоннинг касбини давом эттирувчи ўсиб улғаймоқда.

**Дилбар САЛОҲИДДИНОВА.**

*Самарқанд вилояти.*

ФАХРИЙЛАР — ФАХРИМИЗ

# ОТ ИЗИНИ ТОЙ БОСАР

**Орамизда шундай инсонлар борки, улар босиб ўтган ҳаёт йўлига назар солсангиз ҳавасингиз ортади. Уларнинг ҳам ҳаётий, ҳам касбий бой тажрибаларидан кўп ибратли жиҳатларини ўргангингиз келади.**

Истеъфодаги полковник Хайрулла Сайфуллаевни ҳам ҳеч иккиланмай кўпларга ибрат бўлгудек инсон, десак асло муболаға бўлмайди. Ўтган умрининг қарийб ўттиз тўрт йилини эл-юрт осойишталигини таъминлашга ҳисса қўшишдек масъулиятли ва албатта шарафли хизматга бағишлаган Хайрулла ака салмоқли меҳнат қилди.

Йигитлик бурчини ўтаб қайтган ёш Хайрулла ёшликдаги орзусини рўёбга чиқариш мақсадида ўрта махсус милиция мактабида ўқиди. Дастлабки фаолияти инспекторликдан бошланиб сўнгра профилактика инспектори, тезкор вакил вазифаларида давом этди. У қаерда ва қайси лавозимда ишламасин ўзига топширилган вазифани ўз вақтида, бекаму кўст бажариши билан ҳурмат эътибор топди. Айнан унинг ана шу хислатлари, касбига бўлган фидойилиги хизматда асқотди, мартабаси ошиб боришида қўл келди.

Қарши, Нишон, Китоб туманлари ИИБ бошлиғи ўринбосари бўлиб ишлаб, касб сир-синоатларини пухта эгаллаб, ўқиш жараёнида олган билимларини амалиётда қўллади. Самарали хизмати билан нафақат ҳамкасблари, бошлиқлари, балки халқ эътиборига мушарраф бўлди. Худди шу ишонч туфайли у киши Миришкор, Қамаши, Қарши, Шаҳрисабз туманлари ҳамда Қарши шаҳар ИИБлари бошлиғи ва вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари сифатида фаолият кўрсатди. Бу омад ҳам ҳар кимга насиб этавермайди. Бундай иззат замирида тинимсиз меҳнат, кечаю кундуз хизматга камарбаста бўлишдек катта матонат ётибди.

Узоқ йиллик шарафли хизматдан сўнг 2005 йилда пенсияга чиққан Х. Сайфуллаевга элдошлари юксак ишонч билдиришди. Меҳнат қилган элда азиз, деганларидек у кишини ўзларига йўлбошчи қилиб сайлашди. Билдирилган ишончни оқлаш йўлида Шаҳрисабз туманидаги «Кеш» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси бўлиб икки йил ишлади. Фермерлик фаолияти билан шуғулланди. Халқ билан ишлаш, ер билан тиллашиш не чоғли мароқли эканлигини ҳис қилди. Энг асосийси, Хайрулла ака бу борада ҳам, яъни қишлоқ хўжалиги соҳасида, одамлар билан тил топиб ишлашда ҳам тажрибаси катта эканлигини исботлади.

Х. Сайфуллаевнинг катта обрў-эътибор топиб, ҳаётда ўз ўрнини мукаммал эгаллашида устозлари — истеъфодаги полковник Омонгелди Туропов, истеъфодаги подполковниклар Раимберди Элбеков, Виктор Ашуровнинг хизмати бебаҳо. Шу боис полковник бу инсонлар номини чексиз ҳурмат билан тилга олади. Ўз навбатида бугунги кунда у кишининг ҳам хизматидан кўнгли тўлиб, ютуқларидан қувонадиган шогирдлари бисёр. Айниқса, полковниклар М. Дўстов, С. Сармонов, подполковник Ғ. Йўлдошевнинг эл-юрт олдидаги эътиборидан қувончга тўлади.

Хайрулла ака ўзи босиб ўтган ҳаёт йўлига боқаркан мамнунлигини яширмайди:

— Ички ишлар бу шарафли соҳа. Менга шундай касбда ишлаш насиб этгани учун яратганга шукрлар, дейман. Халқимга оз бўлса-да, нафим текканидан хурсандман, меҳнатимдан розиман. Яна шуки менга Ибодатхондек турмуш ўртоғи ато қилганидан фахрланаман. Олти нафар ўғилнинг комил инсон бўлиб тарбия топишида унинг меҳнати тенгсиз.

Дарвоқе, Сайфуллаевлар сулоласи давом этмоқда. Ўғли Пўлатжон, укалари Муродулла ва Абдуллалар соҳа хизмат қилишмоқда. Демак, бу сулола ҳали узоқ йиллар давом этишига ишонса бўлади.

**Содиқ ИСЛОМОВ,**
**истеъфодаги полковник.**
**Соҳибжамол АМИНОВА.**



**Суратда:** *истеъфодаги полковник Х. Сайфуллаев ўғли Пўлатжон билан ўзаро мулоқотда.*

ФИДОЙИ ХОДИМЛАР

# ҚАТЪИЯТЛИ ДИЛНОЗА

**Аёл — нафис гулга ўхшайди. У эъзоз ва ардоққа лойиқ. Тўғриси, аёллар, аниқроғи, ички ишлар идораларида хизмат қилаётган ходимлар тўғрисида мақола ёзиш осон эмас. Нега дейсизми? Ҳам оилага, ҳам жамиятга фойдаси тегаётган хотин-қизларнинг жасорати, матонати, иродасига сўз топишга тил ожиз-да.**

**Катта сержант Дилноза Куламкадирова ҳам жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда ўзининг лаёқати билан ҳисса қўшиб келаётган ходималардан бири.**



.... Зиёлилар оиласида камол топган Дилноза онаси Муҳтарам опага ўхшаб ўқитувчи бўлиш истагида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида таҳсил олди. Университетни психология мутахассислиги бўйича тамомлагач, бир муддат Юнус Ражабий номидаги педагогика коллежида ўқитувчилик қилди. Сўнг меҳнат фаолиятини республика ИИВ Тиббиёт бошқармаси марказий ҳарбий-тиббий комиссияси психологик лабораториясининг руҳшуноси лавозимида давом эттирди. Қадди-бастига ярашиб турган, нозик жуссасига форма кийган аёлларга ҳаваси кучли эди. Ёшлигидан психология фанига қизиққан Дилноза ўз фаолиятини ички ишлар идоралари билан боғлашга аҳд қилди. Турмуш ўртоғи сержант Ойбек Куламкадиров ички ишлар идораларида хизмат қилаётгани учунми ёки ундаги қатъият кўриб рафиқасининг фикрини қўллаб-қувватлади. Республика ИИВ ППХ ва ЖТСББ кинолог ходимлар ва қидирув-хизмат итларини тайёрлаш маркази ўқув жараёнини ташкиллаштириш бўлимининг психология ўқитувчиси бўлиб хизмат қила бошлади. Ўқитувчиликка меҳри бўлакча Дилноза ўз касбини севади. Доим изланиб, билим ва маҳоратини ошириб бораётган бу тиришқоқ ходима бугун Марказнинг етук мутахассислари қаторидан жой олган.

Оилада икки нафар ўғилнинг меҳрибон онаси, садоқатли ёр ва ажойиб пазанда бўлиш билан бирга, ўз касбига меҳр-муҳаббат билан ёндашади. Шу сабаб бўлса керак, уни жамоада ҳамма бирдек ҳурмат қилади. Дилнозахон ҳам ўз навбатида ҳамкасблари ишончини оқлаш учун тинмай куч-ғайратини ишга солади. Марказга келган тингловчиларнинг руҳий тайёргарлигини оширишга кўмаклашишга бел боғлаган.

— Ҳар бир касбнинг ўзига яраша қийинчиликлари бўлади, — дейди у биз билан суҳбатда. — Тўғриси, хизмат мен ўйлаганчалик осон эмас экан. Форма кийиш кишидан касбни ардоқлаш, фидойилик кўрсатишга ундар экан. Касбимдан асло нолимайман, балки фахрланаман.

Катта сержант Дилноза Куламкадирова касб сирларини устози подполковник Ҳошим Дўсматовдан ўрганди ва ҳозир ҳам ўзлаштиришдан чарчамайди.

Ҳа, аёлни бежиз бир қўли билан бешикни, иккинчиси билан эса дунёни тебратади, дейишмайди. Уйда суюкли рафиқа, бекалик вазифаларини бажариш билан бирга хизматда, жамоат ишларида фаоллиги билан ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиш айни бахт эмасми?! Фарзандлар тарбияси ва касб масъулиятини чуқур англаб, баравар эплаб келаётган катта сержант Дилноза Куламкадирова билан нафақат оиладагилари, балки ҳамкасблари ҳам фахрланишади.

**Азизжон ФАЙЗИЕВ,**
**«Постда» мухбири.**
**Абу КЕНЖАЕВ**
**олган сурат.**

# POSTDA·TV

## ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

2-mart – 8-mart

«YOSHLAR» ЖУМА, 17.30

**«Автомобилдан сақланинг». Б/ф.**



«YOSHLAR» ЧОРШАНБА, 17.30

**«Жек лақабли кенгуру». Б/ф.**



# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

*Келгуси ҳафта учун*

### ҚЎЙ

Ҳафта давомида янги ғоя ва режалар асосий вақтингизни олиши мумкин. Мақсадларни амалга ошириш йўлида шошмашошарликка йўл қўймасликни маслаҳат берамиз. Саломатликни асраш, мустаҳкамлашга эътибор қаратинг.

### СИГИР

Кўзланган мақсадларни рўёбга чиқаришнинг янги имкониятлари юзага келади. Ниятга етай десангиз, режалар борасида бир тўхтамга келиб олинг. Қимматли вақтни беҳудага сарфламай, ижодий ишларни амалга оширишни ўйлаб кўринг.

### ЭГИЗАКЛАР

Узоқ сафар ва саёҳатга чиқиш учун қулай вақт. Машина эгаларидан йўлларда эҳтиёткор бўлиш талаб этилади. Илмий иш, тажриба ва лойиҳа ишлари билан шуғулланувчиларга омад кулиб боқиши мумкин. Оилавий муҳитни яхшилашга ҳаракат қилинг.

### ҚИСҚИЧБАҚА

Таваккал ишларга қўл уришингиз мумкин. Муҳим қарорлар қабул қилаётганда шошмашошарликка йўл қўймаслик лозим. Ҳафтанинг иккинчи ярмида сафарга чиқиш маслаҳат берилмайди. Ўқишда айрим мураккабликлар туғилиши кутиляпти.

### АРСЛОН

Мавжуд муносабатларни очиқ-ойдин муҳокама қилиб олиш учун имконият туғилади. Бу жараён кўнгилсиз ҳолатлар билан кечиши мумкин. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ҳаракатларингиз натижасига эга бўласиз. Таваккалли молиявий ишларга қўл урмай турган маъқул.

### БОШОҚ

Ишхонада янги режа ва ғоялар юзага келади. Ҳамкасблар билан яхши муносабат қуришга эришасиз. Ҳар қандай ҳолатда самимий, очиқ бўлиш лозим. Соғлиқ ҳақида қайғуришни унутманг. Спорт руҳингизни тетиклашишига ёрдам беради.

### ТАРОЗИ

Шахсий муносабатда дадилроқ бўлиб, уни мустаҳкамлашга ҳаракат қилинг. Спорт, ақлий ўйинларга иштиёқингиз ошади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида сизни романтик кайфият тарк этмайди. Соғлигингиз ҳақида қайғуришни маслаҳат берамиз.

### ЧАЁН

Оилавий муносабатларда мураккаблик сезилади. Яқинлар билан ўзаро мулоқот чоғида самимий бўлишга ҳаракат қилиш лозим бўлади. Очиқ-ойдин сўзлашиб, мавжуд муаммоларни ҳал этишга, сўнгра ҳамжиҳатлик, тотувликка эришасиз. Ижодий ишлар ҳам омадли бўлади.

### ЁЙ

Ҳафта мулоқотга бой бўлиши кутиляпти. Сизнинг самимийлигингиз атрофдагилар билан илиқ муносабат ўрнатишга ёрдам беради. Мулоқот чоғида кўнгилсиз ҳолатлар бўлмаслиги учун ҳамсуҳбатлар билан хушмуомала ва мулойим бўлишга ҳаракат қилинг.

### ТОҒ ЭЧКИСИ

Кирим-чиқим ишларидаги аниқлик, хотиржамлик бағишлайди. Моддий аҳволингизни яхшилашга ҳаракат қилинг. Маблағ сарфлашда ақл билан иш тутган маъқул. Ҳафтанинг иккинчи ярмида сафар ёки саёҳат уюштирилмаслик маслаҳат берилади.

### ҚОВҒА

Спортга бўлган қизиқишингиз ортади. Кимдир озишни кўзлаб, кимдир саломатликни тиклаш учун фойдаланишга ҳаракат қилади. Атрофдагилар билан мулоқотда сиздан самимийлик, мулойимлик талаб этилади. Кўзланган мақсадга эришиш учун аниқ ҳаракат зарур.

### БАЛИҚ

Ҳафта тушунарсиз воқеа-ҳодисаларга тўла бўлади. Кўп ҳолларда масалага ойдинлик киритиш лозим бўлади. Шахсий муносабатларда мураккаблик туғилмаслиги, тушунмовчилик келиб чиқмаслиги учун яқин кишингизга эътиборли бўлинг.

## «O'zbekiston»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.10 «Баҳор қайтмайди». В/ф.
8.00 «Ахборот».
8.35 «Олам ва одам» дастури: «Самовий археология».
9.25 «Изҳор».
«Болалар сайёраси»:
9.30 «Покахонтас». М/с.
9.55 «Бизнинг кутубхона».
10.05 «Ягона оилада».
10.30 «Худудлар ҳаёти».
10.45 «Чорраҳа».
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ - шифокор».
11.15 Т/с «Туташ тақдирлар».
11.55 «Эски альбом».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.55 «Қиш сонатаси». Т/с.
14.00 «Ахборот».
14.15 «Рангин дунё».
14.40 «Эркин иқтисодиёт».
15.00 «Маънавият» дастури.
16.00 «Ҳамон ёдимда...»
16.40 «Эл тинчлиги йўлида».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Таълимга эътибор - келажакка эътибор».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 Т/с «Қайтар дунё».
18.35 «Олтин мерос».
18.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Бурчмуллада баҳор».
18.50 «Марварид».
19.10 «Очун».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.30 «Ахборот». (рус).
20.05 Т/с «Туташ тақдирлар».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.00 «Ахборот».
21.30 Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Қишлоқ ҳаёти».
21.50 «Қиш сонатаси». Т/с.
23.05 «Уруш олови». Б/ф. 3-қисм.
23.50 Тунги наволар.

**«Uzbekistan»**

00.00 «Марварид».
00.20 «Ҳамон ёдимда...»
01.00 «Ахборот». (рус).
01.30 «Ёшлар майдони».
02.00 «Маънавият» дастури.
04.00 «Ахборот».
04.30 Т/с «Туташ тақдирлар».
05.10 «Очун».
05.20 «Қишлоқ ҳаёти».
05.40 Тонгги наволар.

## «Yoshlar»

6.55 «Yoshlar» саломи.
7.00 «Ёшлар майдони».
7.30 «Даврнинг боласи».
7.40 «Қора ўрдак». М/с.
8.00 «Каминанинг оиласи».
8.15 «Миллий мерос».
8.20 «Ишқ жодуси». Т/с.
9.10 «Эверест».
9.40 «Нафосат олами».
9.50 «UzEX».
9.55 «Мафтункор замин».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Ошин». Т/с.
10.55 «Ассалом, баҳор!»
11.00 «Мўъжизавий дунё».
11.50 «Наврўз илҳомлари».
12.00 «Гул ифори». Т/с.
12.50 «Олтин тупроқ».
13.00 «ДАВР».
13.10 «Чемпион».
13.30 «Ёшлар майдони».
14.00 «Шаҳзоданинг қўшиғи». Т/с.
14.45 «Келинчак кўклам».
14.50 «Футбол-2009».
15.20 «Тошкент тароналари».
15.30 «Келажакка интилиб».
15.55 «Шарқ гўзали».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Афсона ва ҳақиқат».
16.45 «Баҳор гулдастаси».
16.50 «Ёшлар ва таълим».
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 «Мультипанорама».
17.30 «Жек лақабли кенгуру». Б/ф.
18.55 «О, баҳор!»
19.00 «ДАВР».
19.30 «Ишқ жодуси». Т/с.
20.20 «Зумрад баҳор».
20.25 «Автопатруль».
20.45 «Ёшлар баҳори».
20.50 «Шаҳзоданинг қўшиғи». Т/с.
21.40 «Табассум қил!»
21.50 «UzEX».
22.00 «ДАВР».
22.30 «Тошкент оқшоми».
22.35 «Келажак эгалари».
22.45 «Ҳаёт-мамот». Т/с.
23.30 «Юрт тинчлиги».

## «Тошкент»

7.25 «Салом, Тошкент!»
8.25 Бизнес - «Пойтахт».
8.35 Т/с «Эсмеральда».
9.00, 18.05, 22.00 «Телекурьер-маркет».
9.20 «Ҳимоя».
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Тошкентда латифа».
9.45 «Репортаж».
9.55 «Уйларим».
10.00 «Мусиқа SMS».
10.25 «Тошкент-2200».
10.30 «Пойтахт». (рус).
10.40 Т/с «Милагрос» (рус).
11.10 «Интервью». (рус).
11.20 «Мысли вслух».
11.25 «Тошкент-2200». (рус).
11.35 Кино: «Источник».
17.55 Мультсериал: «Кўк рангли сичқонча ва хум бош мушук». 23-қисм.
18.20 «Тошкент-2200».
18.30 «Пойтахт».
18.55 Т/с «Эсмеральда».
19.20 Бизнес - «Пойтахт».
19.25 «Мусиқа SMS».
19.50 «Дурдона».
20.00 «Пойтахт» (рус).
20.20 «Тошкент-2200» (рус).
20.25 Т/с «Милагрос» (рус).
20.55 «Интервью».
21.05 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
21.55 «Уйларим».
22.15 «Эртамиз эгалари».
22.30 «Пойтахт» (рус).
22.55 Х/ф «Случайный муж».

## «Sport»

7.00 «Хабарлар».
7.20 Футбол. Европа чемпионлар лигаси. «Интер» - «Манчестер юнайтед».
9.00 «Хабарлар». (рус).
9.25 «Малахов +».
10.20 «Тет-а-тет».
10.30 Пауэрлифтинг. Ўзбекистон чемпионати.
10.50 - 12.30 Интерфутбол.
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Спорт салтанати».
18.30 «Хабарлар». (рус).
18.55 «Шижоат майдони».
19.50 «Спортлото».
20.00 Футбол. Англия чемпионати шарҳи.
20.40 Теннис. Халқаро турнир.
21.30 «Хабарлар».
21.50 ИНТЕРФУТБОЛ.
23.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## «Первый канал»

5.00, 9.05 «Доброе утро».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 23.30, 3.00 Новости.
9.30 «Малахов +».
10.25 Модный приговор.
11.25 Контрольная закупка.
12.20 «АГЕНТ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ». Фильм.
13.20 «Детективы».
14.00 Другие новости.
14.25 Понять. Простить.
15.15 «ОГОНЬ ЛЮБВИ». Фильм.
16.10 «Давай поженимся!».
17.00 Федеральный судья.
18.15 «Пусть говорят».
19.10 Т/с «СЛЕД».
19.55 «Богатая и любимая». Фильм.
21.00 Время.
21.30 «Группа Zeta». Фильм.
22.30 «Смерть Сталина. Другая версия».
23.50 Фильм «Месть».
2.00, 3.05 Детектив «Серебряная стрела».
4.05 Сериал «Акула».

## «Россия»

5.00 Доброе утро, Россия!
8.55 «Наша Феличита».
9.50 Телесериал «Леди Бомж».
10.45, 14.00, 17.00, 20.00, 23.45 Вести.
11.45 Мультфильм.
11.55 «БАНДИТСКИЙ ПЕТЕРБУРГ». Телесериал.
14.40 Телесериал «КОЛДОВСКАЯ ЛЮБОВЬ».
15.35 Суд идет.
16.30 «КУЛАГИН И ПАРТНЕРЫ».
18.00 Телесериал «Однажды будет любовь».
19.00 «КАРМЕЛИТА. ЦЫГАНСКАЯ СТРАСТЬ». Телесериал.
20.45 Спокойной ночи, малыши!
21.00 Детектив «Северный ветер».
22.50 «Крест над Балканами». Фильм.
0.05 Фильм «Ниагара».
1.50 «Кинескоп» с Петром Шепотинником».
2.40 Фильм «Убийство в «Центре Америки».
4.15 Телесериал «ЗАКОН И ПОРЯДОК».

## НТВ

6.00, «Сегодня утром».
9.05 Сериал «СКОРАЯ ПОМОЩЬ».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 23.00 Сегодня.
10.20 Особо опасен!
11.00 Сериал «ДОКТОР ЖИВАГО».
12.00, 1.00 Суд присяжных.
13.35 Сериал «СЫЩИКИ».
15.30, 18.30 Чрезвычайное происшествие.
16.3, 3.455 Сериал «МОРСКИЕ ДЬЯВОЛЫ».
119.40 Боевик «БРАТАНЫ».
21.40 И снова здравствуйте!
22.40 Ты не поверишь!
23.25 Сериал «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ».
0.25 Борьба за собственность.
2.05 Комедия «КТО ЭТА ДЕВУШКА?»
4.30 Сериал «ДЕТЕКТИВ РАШ».

## ТВ 3

8.00 Мультфильмы.
11.00, 18.00 Сериал «ОХОТНИКИ ЗА НЕЧИСТЬЮ».
12.00, 4.00 Сериал «БАЯЗЕТ».
13.00 «Тайные знаки. Шпионка или принцесса? Мата Хари».
14.00 «Мистика звезд».
15.00, 21.00 Сериал «МЕДИУМ».
16.00 «Разрушители мифов».
17.00 «Упс!»
19.00 Сериал «ВАВИЛОН 5».
20.00, 3.00 Сериал «ЧЕРНАЯ МЕТКА».
22.00 «Тайные знаки. Книги, которые сбываются. Александр Беляев».
23.00 «Охотники на монстров».
0.00 Сериал «ЗВЕЗДНЫЕ ВРАТА».
1.00 Х/ф «ИСТРЕБИТЕЛИ».
5.00 Х/ф «ГНЕВ ПРИШЕЛЬЦЕВ».
7.00 Сериал «АНГЕЛ».

## ТНТ

6.00 «МОЕ ВТОРОЕ «Я». Теленовелла.
7.00 Такси.
7.30, 11.00 «Никелодеоны»
8.00 «Привет! Пока!»
8.30 Танцы без правил.
9.30 «ГУМАНОИДЫ В КОРОЛЁВЕ». Ситком.
10.00 «Женская лига». Комедия.
10.30, 13.30, 18.00, 19.30 «СЧАСТЛИВЫ ВМЕСТЕ». Комедия.
14.00 Такси.
14.30, 21.00, 0.00, 2.15 «Дом-2».
16.15 «ЮЖНЫЕ КРАСОТКИ» Комедия.
18.30, 20.30 «УНИВЕР». Ситком.
19.00 Такси.
22.00 Комедия «ПОТОМУ ЧТО Я ТАК ХОЧУ».
0.30 «Убойной ночи».
1.00 «Убойная лига».
3.10 «Необъяснимо, но факт».
4.05 «Возможности пластической хирургии».
5.00 «Запретная зона».

## СТС

8.00, 15.00 Мультсериалы.
9.30, 11.30, 19.00, 21.00 Комедия «ПАПИНЫ ДОЧКИ».
10.00, 22.00 «РАНЕТКИ». Драмеди.
11.00, 2.00 Истории в деталях.
12.00, 23.00 «КРЕМЛЕВСКИЕ КУРСАНТЫ». Драмеди.
13.00 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
14.00 Комедия «ПАПА НА ВСЕ РУКИ».
18.00 Комедия «ХАННА МОНТАНА».
18.30 «Галилео».
19.30 «КАДЕТСТВО». Драмеди.
20.30 «6 кадров».
0.00 Кино «БЕГЛЕЦЫ».
1.50 «6 кадров».
2.30 «Смешнее, чем кролики».
3.30 «АНАТОМИЯ СТРАСТИ». Х/ф.
5.20, 6.15 «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЯ». Х/ф.
7.00 Музыка.

## ДТВ

8.00 Клуб детективов.
8.55 Музыка.
9.00 Телемагазин.
9.30 Мультфильмы.
10.30, 14.30, 21.00, 2.00 «Состав преступлений».
11.00 «Вне закона».
11.30, 18.00 Детектив «МОРСКАЯ ПОЛИЦИЯ: СПЕЦОТДЕЛ».
12.30 Фильм «ПРИЮТ КОМЕДИАНТОВ».
15.00, 19.00 Судебные страсти.
16.00, 23.00 «Вне закона».
16.30, 23.30 Детектив «БЕЗМОЛВНЫЙ СВИДЕТЕЛЬ».
17.00, 0.00 Детектив «ИЩЕЙКА».
20.00, 1.00 Детектив «БЛИЗНЕЦЫ».
21.30, 3.00 Детектив «УЗНАЙ ВРАГА».
22.30 «Брачное чтиво».
2.30 «Карданный вал +».
4.00 Клуб детективов.
6.00 Детектив «ЛАС-ВЕГАС».
7.00 Комедия «АГЕНТСТВО «АЛИБИ».

## 7 ТВ

7.00 Super-утро.
12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00, 22.00, 23.00, 0.00, 1.00, 2.00, 3.00, 4.00, 5.00, 6.00 «7 новостей».
12.05 KOTV: классика бокса.
13.05, 20.05, 23.05 NBA Live!
13.20, 18.05, 22.35 NHL. Ежедневный обзор.
13.35 «Game Sport». Обзор компьютерных игр.
14.05, 22.05 Диалоги о рыбалке. Классика.
14.20 Основной инстинкт.
14.35 Overdrive.
15.05 Бега и скачки.
15.35 Море Дайвинга.
16.05 Футбол. Кубок Италии. Полуфинал. Первые матчи. «Lazio» - «Juventus».
18.20 Motor World.
19.05 Football League Show.
19.35 Настольный футбол.
20.20 FIBA.
21.05 NBA 360.
22.20 Zero Graviti.
23.20 Экстрим: начало века.
0.05 Классика: Премьер-лига.
0.40 Футбол. Кубок Италии. Полуфинал. Первые матчи. «Sampdoria» - «Inter». Прямая трансляция.
3.05 Интерактивное шоу «Ночной выигрыш».
4.05, 5.05 Спортмания.
6.05 Только не это!
6.15 Outrageous and Courageous.
6.30 Веселые старты.

## «O'zbekiston»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.10 «Дунёнинг ишлари». В/ф.
8.00 «Ахборот».
8.40 «Сени излаб». Фильм.
9.15 «Аёл қалби наволари: Замира Суюнова».
9.30 «Минг бир ривоят».
9.35 «Ҳидоят сари».
9.55 1. «Рангинкамон». 2. «Дидар».
10.35 «Оналар мактаби».
10.55 Т/с «Туташ тақдирлар».
11.35 «КиноТеатр».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.55 «Қиш сонатаси». Т/с.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ишдаги ишқ». Б/ф. «Болалар сайёраси»:
16.50 1. «Ўйла, Изла, Топ!» 2. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.05 «Рангин дунё».
18.25 «Бир ўлка-ки...»
18.45 «Аёл қалби наволари: Тожибар Азизова».
19.00 «Менинг онам».
19.25 «ТВ - шифокор».
19.30 «Ахборот». (рус).
20.05 Т/с «Денгиздан томчи».
20.35 «Шарқ тароналари».
21.00 «Ахборот».
21.40 Хотин-қизлар кунига бағишланган байрам дастури.
23.20 Кино: «Катта ойи».
0.30 Тунги наволар.

**«Uzbekistan»**

0.40 «Бир ўлка-ки...»
1.00 «Ахборот». (рус).
1.30 «Ёшлар майдони».
2.00 Хотин-қизлар кунига бағишланган байрам дастури.
3.40 «Рангин дунё».
4.00 «Ахборот».
4.30 Миллий кино: «Паноҳ». 1-қисм.
5.40 Тонгги наволар.

## «Yoshlar»

6.55 «Yoshlar» саломи».
7.00 «Ёшлар майдони».
7.30 «Даврнинг боласи».
7.40 «Қора ўрдак». М/с.
8.00 «Каминанинг оиласи».
8.15 «Миллий мерос».
8.20 «Ишқ жодуси». Т/с.
9.10 «Кўзгу». Ҳажвия.
9.35 «Ассалом, баҳор!»
9.40 «Нафосат олами».
9.50 «UzEX».
9.55 «Сумалак хаёли».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Суғур куни». Б/ф.
11.45 «Шарқ гўзали».
11.50 «Наврўз илҳомлари».
12.00 «Гул ифори». Т/с.
12.50 «Тошкент 2200 ёшда».
13.00 «ДАВР».
13.10 «Дуторчи қизлар».
13.25 «Аёлга таъзим».
13.30 «Ёшлар майдони».
14.00 «Шаҳзоданинг қўшиғи». Т/с.
14.45 «Шарқ гўзали».
14.50 «Ўзбегим ёшлари».
15.25 «Аёлга таъзим».
15.30 «Олтин тупроқ».
15.40 «Ўзбегим бешиги».
15.55 «Зумрад баҳор».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Маслаҳат». Ҳажвия.
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 «Мультипанорама».
17.30 «Меҳрибонгинам». Б/ф.
18.45 «Ўрик гуллаганда».
18.50 «Олтин тупроқ».
18.55 «Кўклам парвози».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Ишқ жодуси». Т/с.
20.20 «Аёл – муқаддас».
20.25 «Тасвир ва таассурот».
20.45 «Шаҳзоданинг қўшиғи». Т/с.
21.55 «Шарқ гўзали».
22.00 «ДАВР».
22.30 «Хизматкор Боб». Б/ф.
00.00 «Юрт тинчлиги».

## «Тошкент»

7.25 «Салом, Тошкент!»
8.25 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 Т/с «Эсмеральда».
9.00, 18.05, 21.55 «Телекурьер-маркет».
9.20 «Ягонамсан, Тошкентим!»
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Аёл қалби».
9.55 «Ўйларим».
10.00 «Мусиқа SMS».
10.25 «Тошкент-2200».
10.30 «Пойтахт» (рус).
10.40 Т/с «Милагрос» (рус).
11.10 «Репортаж» (рус).
11.20 «Афиша». (рус).
11.30 Кино. «Иван Васильевич меняет профессию».
13.00 «Туризм ҳақида». (рус)
13.30 «Тошкент-2200». (рус).
13.35 Фильм - детям: «Мой домашний динозавр».
15.30 «Саломат бўлинг».
15.40 Мультфильм: «Курбақа малика».
16.25 «Кинотақдим».
16.50 Кино: «Орзулар камалаги».
17.55 «Афиша».
18.20 «Тошкент-2200».
18.30 «Пойтахт».
18.55 Т/с «Эсмеральда».
19.20 Бизнес - «Пойтахт».
19.25 «Мусиқа SMS».
19.50 «Интервью».
20.00 «Пойтахт» (рус).
20.20 Бевосита мулоқот.
21.05 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
21.50 «Тошкентда латифа».
22.10 «Истеъдод».
22.25 «Мысли вслух».
22.30 «Пойтахт» (рус).
22.55 Кино. «Хитрый вор».

## «Sport»

8.00 «Хабарлар»
8.20 Кураш.
8.50 «Тет-а-тет».
9.00 «Хабарлар» (рус)
9.20. Футбол. Ўзбекистон чемпионати.
11.00 «Военное дело».
11.20 «Стать ближе». Ток шоу.
12.10 Теннис.
13.40 – 14.00 «Рақибингиз гроссмейстер».
18.00 «Соғлом оила».
18.30 «Хабарлар». (рус).
18.50 «Ровесник».
19.15 «Ring»да Майк Тайсон – Френк Бруно.
19.45 «Файтер». Восточные единоборства.
20.10 Теннис. - Жанубий Корея.
21.30 «Хабарлар».
21.50 Футбол. Испания чемпионати шарҳи.
22.15 Спорт экрани: «Грейси». Бадиий фильм.
23.55 Интерфутбол.
01.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## «Первый канал»

6.00, 10.00, 12.00 Новости.
6.10 «Звезды эфира».
6.40 Фильм «Золото».
8.20 «Играй, гармонь любимая!».
9.00 «Слово пастыря».
9.15 «Здоровье».
10.20 Смак.
11.00 «Михаил Жванецкий. «Тщательнее надо, ребята».
12.25 Комедия «Девушка без адреса».
14.00 Фильм «Отчим».
16.00 Футбол. Суперкубок России. «Рубин» - ЦСКА.
18.00 «Королева высоты Елена Исинбаева».
18.45 Фильм «Мумия».
21.00 Время.
21.20 «Евровидение 2009».
1.20 Фильм «Братство камня».
3.05 Комедия «Множественность».
5.00 Сериал «Акула».

## «Россия»

5.20 Комедия «Невеста из Парижа».
6.45 Вся Россия.
7.00 Сельский час.
7.30 Диалоги о животных.
8.00, 11.00, 14.00, 20.00 Вести.
8.20 «Военная программа».
8.45 Субботник.
9.20 Мультфильм.
9.30 Фильм-сказка «Варвара-краса, длинная коса».
11.20 «Национальный интерес».
12.20 Комедия «Блеф».
14.30 Субботний вечер.
16.20, 19.40, 20.40 Фильм «САМАЯ КРАСИВАЯ».
0.00 Триллер «Незнакомцы».
1.40 Комедия «Счастливая пропажа».
3.25 Фильм «Почтальон всегда звонит дважды».
5.25 «Городок».
5.50 «Ха». Маленькие комедии.

## НТВ

5.35 Комедия «ЧЕТВЕРОНОГАЯ ЗВЕЗДА».
7.15 Мультфильм.
7.30 Сказки Баженова.
8.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Сегодня.
8.20 «Золотой ключ».
8.45 «Без рецепта».
9.20 Смотр.
10.20 Главная дорога.
10.55 «Кулинарный поединок».
12.00 Квартирный вопрос.
13.25 Особо опасен!
14.05 «Кремлевские похороны». НАДЕЖДА АЛЛИЛУЕВА».
15.05 Своя игра.
16.25 «Женский взгляд».
17.00, 2.55 Детективный сериал «ЗАКОН И ПОРЯДОК».
19.25 Профессия - репортер.
19.50 «Программа максимум».
20.50 «Русские сенсации».
21.45 Ты не поверишь!
22.30 Фильм «СБЕЖАВШАЯ НЕВЕСТА».
0.50 Комедия «СВОЯКИ».
3.45 Комедия «КОРОЛЕВЫ».

## ТВ 3

8.00 Мультфильмы.
11.00 Х/ф «БЕРЕГИТЕ ЖЕНЩИН».
14.00 «Самый честный свидетель».
15.00 Х/ф «В КОСМИЧЕСКОЙ ЛОВУШКЕ».
17.00 Х/ф «НАВОДНЕНИЕ».
21.00 Сериал «ПОРТАЛ ЮРСКОГО ПЕРИОДА».
22.00 «Теория невероятности. Спиритизм».
23.00 «Медиумы: Мы говорим с ушедшими».
1.00 Х/ф «СПЕЦНАЗ НОВОГО ПОКОЛЕНИЯ».
3.00 Х/ф «КРИК-2».
5.30 Х/ф «ПРИНЦЕССА МЕЧЕЙ».
7.30 Комната страха.

## ТНТ

6.00, 7.55 Мультсериалы.
7.00 «НЕ ТАКАЯ». Сериал для подростков.
8.15 «САША + МАША». Комедия.
9.00, 21.00, 1.45, 2.15 «Дом-2».
10.00 «Школа ремонта».
11.00 «Жизнь после славы».
12.00 «Тело на заказ. Мужская версия».
13.00 Клуб бывших жен.
14.00 «Cosmopolitan».
15.00 «Возможности пластической хирургии».
16. «ДНЕВНИКИ НЯНИ». Комедия.
18.00 «Замуж за звезду».
19.00 «Женская лига». Комедия.
20.00, 23.00 «Наша Russia».
22.00 «Комеди Клаб».
23.30 «Убойная лига».
0.40 «Убойной ночи».
1.15 «Секс» с Анфисой Чеховой.
3.10 «Необъяснимо, но факт».
4.05 «Возможности пластической хирургии».
4.55 «Запретная зона».
5.50 «САША + МАША». Комедия.

## СТС

8.00 «НОВАЯ РОЖДЕСТВЕНСКАЯ СКАЗКА». Х/ф.
9.55, 12.45, 15.00 Мультфильмы.
11.00 «Детские шалости».
13.10 Кино «ЛУЧШИЙ ДРУГ СОБАК».
18.00 «6 кадров».
19.00 «Самый умный». Резидент».
21.00 Комедия «ПАПИНЫ ДОЧКИ».
22.00, 1.30 «Даешь молодежь!» Комедия.
23.00 Кино «Артур и минипуты».
1.00 «6 кадров».
2.00 Кино «ПРИЗРАКИ ГОЙИ».
4.30 Кино «БЛИЗКИЕ КОНТАКТЫ ТРЕТЬЕГО РОДА».
7.05 Музыка.

## ДТВ

8.00 Клуб детективов.
8.55 Музыка.
9.00 «Как уходили кумиры». «Михаил Круг».
10.00 Тысяча мелочей.
10.20 Неотложная помощь.
10.30 Мультфильмы.
13.30 Фильм «ПРИЮТ КОМЕДИАНТОВ».
15.30 «Как уходили кумиры». «Леонид Харитонов».
16.30 Х/ф «КЛАД».
18.30 Судебные страсти.
20.30-21.30, 2.00 «Брачное чтиво».
22.00 Фильм «УБИТЬ БЭЛЛУ».
0.00 Детектив «C.S.I. МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ НЬЮ-ЙОРК».
2.30 Х/ф«ВОИН».
5.00 Клуб детективов.
7.00 «Каламбур».

## 7 ТВ

7.00 Super-утро.
12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00, 22.00, 23.00, 0.00, 1.00, 2.00, 3.00, 4.00, 5.00, 6.00 «7 новостей».
12.05 Классика: NHL (Колорадо - Эдмонтон, 04.05.98, 7-я игра. 1/4 финала конференции).
13.05, 20.05, 23.05, 2.20 NBA Live!
13.20, 18.05, 22.35, 2.05 NHL. Ежедневный обзор.
13.35 Охота в Новом Свете.
14.05, 22.05 Диалоги о рыбалке. Классика.
14.20 Мир подводной охоты.
14.35 Под водой с...
15.05 Автоспорт России.
15.20 Motor World.
16.05 Настольный хоккей.
16.20 Volvo Ocean Race.
17.05 Off-Road Drive.
17.20 Wrestling: опасная зона.
18.20 Ралли-рейды России.
18.35 Звезда автострады.
19.05 Классика: Премьер-лига.
19.35 Киберспорт.
20.20 Охота в Новом Свете.
20.35 История NHL.
21.05 Классика: NHL («Вашингтон» - «Детройд», 16.06.98, 4-я игра финала).
22.20 Zero Graviti.
23.20 Экстрим: начало века.
0.05 Пул.
1.05 Покер.
2.35, 6.15 Outrageous and Courageous.
3.05 Интерактивное шоу «Ночной выигрыш».
4.05, 5.05 Спортмания.
6.05 Только не это!
6.30 Спортивная неделя Подмосковья.
6.45 Спорт собак.

## «O'zbekiston»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.10 «Дунёнинг ишлари». В/ф.
8.00 «Ахборот».
«Болалар сайёраси»:
8.30 «Тумарис». М/ф.
8.40 Хотин-қизлар кунига бағишланган байрам дастури.
10.15 «Менинг онам».
10.40 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
11.25 «Минг бир ҳунар».
11.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Сумалак».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Очиқ дастурхон».
13.35 «Аёл қалби наволари: Зулайҳо Бойхонова».
13.50 «Муҳаббат тилсими». Б/ф.
«Болалар сайёраси»:
16.05 «Бувим ёпган нон». В/ф.
17.00 «Ҳамон ёдимда...»
17.45 Миллий кино: «Гўзаллик сири».
19.10 «Аёл қалби наволари: Ҳосила Раҳимова».
19.30 «Таҳлилнома». (рус).
20.10 Т/с «Денгиздан томчи».
20.40 «Кўнгил қўшиқ истайди».
21.00 «Таҳлилнома».
21.50 «Аёл гўзаллиги оламни безар». Мусиқий дастур.
22.10 Миллий кино: «Дока рўмолнинг қуриши».
0.10 Тунги наволар.

**«Uzbekistan»**

0.15 Кўрсатувлар дастури.
0.20 «Ҳамон ёдимда...»
1.00 «Таҳлилнома». (рус).
1.30 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
2.15 «Минг бир ҳунар».
2.30 «Очиқ дастурхон».
3.05 «Тараннум».
3.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Сумалак».
4.00 «Таҳлилнома».
4.40 Миллий кино: «Паноҳ». 2-қисм.
5.50 Тонгги наволар.

## «Yoshlar»

6.55 «Yoshlar» саломи».
7.00 «Сен азиз ва муқаддассан, Аёл!»
7.30 «Шарқ гўзали».
7.35 «Якшанба нонуштаси».
7.55 «Аёл – муқаддас».
8.00 Миллий кино: «Келгинди келин».
9.50 «Аёлга таъзим».
10.00 «Ватанпарвар».
10.40 «Шаҳзоданинг қўшиғи». Т/с.
11.50 «Аёл – муқаддас».
12.00 «Болалар давраси».
12.30 «Эртаклар оламида».
13.45 «Наврўзой». В/ф.
14.15 «Кўклам парвози».
14.20 «Етти гўзал».
14.40 «Аёл – муқаддас».
14.45 «Ёшлар баҳори».
14.55 «Шарқ гўзали».
15.00 Миллий кино: «Зуҳра қаерда?»
16.20 «Олтин тупроқ».
16.30 «Эверест».
17.00 «Рўзғор мактаби».
17.30 «Меҳрибонгинам». Б/ф.
18.40 «Аёл – муқаддас».
18.45 «Кўклам навоси».
18.55 «Шарқ гўзали».
19.00 «Давр». Ҳафта якуни.
19.30 «Тараннум».
20.20 «Айланай. »
20.40 «13-студия».
21.00 «Аёлга таъзим».
21.30 «KINOMANIYA».
22.00 «Эҳ қизлар, қизлар». Б/ф.
23.50 «Юрт тинчлиги».

## «Тошкент»

7.20 Кўрсатувлар тартиби.
7.25 «Салом, Тошкент!»
8.25 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 Т/с «Эсмеральда».
9.00 «Телекурьер - маркет».
9.20 «Ягонамсан, Тошкентим!»
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Афиша».
9.50 «Интервью».
10.00 «Мусиқа SMS».
10.25 «Тошкент-2200».
10.30 «Пойтахт» (рус).
10.45 Индийское кино: «Наступит завтра или нет?» 1-2 серии.
13.50 «Мысли вслух».
13.55 «Телекурьер-маркет».
14.15 Кино: «Ещё одна история о Золушке».
15.50 «Болаликка қайтиб».
16.05 «Тошкентда латифа».
16.10 «Истеъдод».
16.25, 20.35 «Телекурьер-маркет».
16.40 2009-йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Одимлар».
16.55 «Жозиба».
17.20 «Саргузаштлар ороли».
17.45 «Нима учун?»
18.35 «Фаровонлик бекати».
18.50 Кино. «Супер келинчак».
20.50 «Открытая дверь».
21.20 «Мысли вслух».
21.25-00.05 Кино SMS со звездами: «Австралия». «Рейчел выходит замуж». «Девушка с жемчужной сережкой».

## «Sport»

8.00 «Хабарлар».
8.20 «Қувноқ стартлар».
9.00 «Хабарлар» (рус)
9.20 Мультикарусель.
9.50 «Тайм аут».
10.10 Интерфутбол.
11.50 «Паҳлавонлар беллашуви». Экстремал спорт. биринчилиги.
12.40 Теннис. Дэвис кубоги. Ўзбекистон – Жанубий Корея.
14.10 Художественная гимнастика.
15.00 Кино: «Играй как Бэкхем».
16.45 «АВТОграф».
17.05 «Халқ ўйинлари».
17.25 «Спортимиз маликалари».
18.00 «Версия».
18.25 Интерфутбол.
20.20 «Спорт уик-энд».
20.50 «Тумарис - 2009».
21.30 «Талқин».
22.00 «Профринг».
22.55 Интерфутбол.
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## «Первый канал»

6.00, 10.00, 12.00 Новости.
6.10 Комедия «Дама с попугаем».
7.50 Смак.
8.25 Фильм «Одинокая женщина желает познакомиться».
10.10 «Пока все дома».
11.00 Фильм «Анастасия Заворотнюк. В поисках любви».
12.10 Комедия «Девчата».
13.55 Комедия «Ирония судьбы, или С легким паром!».
17.10 Комедии «Любовь и голуби».
19.05, 21.00 «Ледниковый период: Глобальное потепление».
21.00 Время.
22.40 «Приют комедиантов».
0.25 Детектив «Основной инстинкт 2».
2.20 Комедия «Убрать перископ».
4.00 Триллер «Приключения Форда Ферлейна».

## «Россия»

6.05 Мультфильм.
6.45 Фильм «Воспитание жестокости у женщин и собак».
9.20 Комедия «Девушка с гитарой».
11.10 «Смеяться разрешается».
13.00, 14.20 «Все звезды для любимой». Концерт.
14.00 Вести.
15.30, 17.15 Комедия «Служебный роман».
17.00 Вести.
19.00 «Парад звезд». Праздничный вечер.
20.55 «Бабы, вперед!»
0.00 Фильм «Контракт на любовь».
2.00 Фильм «Сладкий ноябрь».
4.00 Комедия «В кругу друзей».

## НТВ

5.30 Комедия «СБЕЖАВШАЯ НЕВЕСТА».
7.20 Мультфильм.
7.30 «Дикий мир».
8.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Сегодня.
8.20 «Русское лото».
8.45 Их нравы.
9.25 Едим дома.
10.20 Фильм «С ЛЮБИМЫМИ НЕ РАССТАВАЙТЕСЬ».
12.00 Дачный ответ.
13.25, 16.20 Сериал «МАМОЧКА, Я КИЛЛЕРА ЛЮБЛЮ».
19.25 Фильм «МОЖНО, Я БУДУ ЗВАТЬ ТЕБЯ МАМОЙ?».
21.10 ильм «КОД АПОКАЛИПСИСА».
23.15 Шоу «MISS DIM-2008».
0.25 Фильм «ЗВЕЗДЫ ПАДАЛИ НА ГЕНРИЭТТУ».
2.25 Фильм «ПОСЛЕДНИЙ ПОВОРОТ НА БРУКЛИН».
4.10 Комедия «БЕЗУМНЫЕ ДНИ».

## ТВ 3

8.00 Мультфильмы.
12.00 Х/ф «ВИЗИТ К МИНОТАВРУ».
19.00 Х/ф «СЛУГА КОРОЛЯ».
21.00 Х/ф «ПУЛЕНЕПРОБИВАЕМЫЙ».
23.00 Х/ф «САМОВОЛКА».
1.15 Х/ф «ХЭЛЛОУИН: 20 ЛЕТ СПУСТЯ».
3.00 Х/ф «КРИТИЧЕСКАЯ МАССА»..
5.00 Х/ф «КРИК-2».
7.30 Комната страха.

## ТНТ

6.00, 7.55 Мультсериалы.
7.00 «НЕ ТАКАЯ». Сериал для подростков.
8.15 «САША + МАША». Комедия.
8.45 Первая Национальная Лотерея.
9.00, 21.00, 1.40, 2.10 «Дом-2».
10.00 «Школа ремонта».
11.00 «Жизнь после славы-2».
12.00 «Тело на заказ».
13.00 «Смех без правил».
14.00 «ДНЕВНИКИ НЯНИ» Комедия.
16.00 «P.S. Я ЛЮБЛЮ ТЕБЯ». Драма.
18.00 «Мужчина и способы его дрессировки».
19.00 «Женская лига». Комедия..
20.00 «Наша Russia».
22.00 «Комеди Клаб».
23.00 «Женская лига». Комедия.
23.30 «Смех без правил».
0.35 «Убойной ночи».
1.05 «Секс» с Анфисой Чеховой.
3.00 «Необъяснимо, но факт».
4.00 «Возможности пластической хирургии».
4.50 «Запретная зона».
5.45 «САША + МАША». Комедия.

## СТС

8.00 «ПОЛИЦЕЙСКИЙ И МАЛЫШ». Х/ф.
9.45, 15.00 Мультфильмы.
11.15 «Самый умный».
13.00 «Галилео».
14.00 «Снимите это немедленно!»
18.00, 22.00 «6 кадров».
19.00, 1.20 «Даешь молодежь!» Комедийный сериал.
20.00 «Мисс Россия-2009».
23.00 Кино «ПЯТЫЙ ЭЛЕМЕНТ».
1.30 «Хорошие шутки».
3.30 Кино «КРУПНАЯ РЫБА. ИСТОРИЯ ДЛИНОЮ В ЖИЗНЬ».
5.50 Кино «МИККИБУ И Я».

## ДТВ

8.00 Клуб детективов.
8.55 Музыка.
9.00 «Как уходили кумиры». «Леонид Харитонов».
10.00 Тысяча мелочей.
10.20 Медицинское обозрение.
10.30-13.10 Мультфильмы.
13.30 Фильм «БАБНИК-2».
15.10 «В засаде».
15.30 «Как уходили кумиры». «Игорь Кио».
16.30 Х/ф «КРАСНЫЙ ДРАКОН».
18.30 Судебные страсти.
20.30-21.30, 2.00 «Брачное чтиво».
22.00 Фильм «ПРОДАЕТСЯ ДЕТЕКТОР ЛЖИ».
0.00 Детектив «C.S.I. МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ НЬЮ-ЙОРК».
2.30 Х/ф «МОЯ ЖЕНА ГАНГСТЕР».
5.00 Клуб детективов.
7.00 «Каламбур».

## 7 ТВ

7.00 Super-утро.
12.00, 1.00, 2.00, 3.00, 4.00, 5.00, 6.00 «7 новостей».
12.05 Классика: NHL («Вашингтон» - «Детройд», 16.06.98, 4-я игра финала).
13.00 «Game Sport». Обзор компьютерных игр.
13.10, 20.10, 23.10, 2.20 NBA Live!
13.30, 18.10, 22.40, 2.05 NHL. Ежедневный обзор.
13.40 Киберспорт.
14.00 X-Games.
15.00 Спортивные танцы. Международный турнир «XXX - Москвич-2008». № 3.
16.00 Предельная глубина.
16.10 Море Дайвинга.
16.30 Мир подводной охоты.
16.45 Основной инстинкт.
17.00 Под водой с...
17.10 Мир свободного спорта.
17.40, 6.30 Wrestling: опасная зона.
18.30, 24.00 X-treme 99,9.
19.30 Диалоги о рыбалке. Народный проект.
19.40 Бега и скачки.
20.30 Клуб покорителей пространства.
20.40 Motor World.
21.10 Картинг.
21.30 Off-Road Drive.
21.40 Диагноз: горы.
22.00 Ралли-рейды России.
22.10 Volvo Ocean Race.
23.00 Свободный полёт.
23.30 Настольный хоккей.
23.40 Настольный футбол.
1.05 Покер.
2.35 Outrageous and Courageous.
3.05 Мини-футбол. Чемпионат России. Суперлига. «Спартак-Щелково» (Московская область) - «Мытищи» (Мытищи).
4.05, 5.05 KOTV: классика бокса.
6.05 Только не это!
6.15 Outrageous and Courageous.

МАЪРИФАТ ДАРСИ

# «ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ»: ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асари маънавиятга шунчаки таъриф бериб ўтилган, унинг муаммолари бир сидра илмий таҳлил этилган китоблар сирасига кирмайди.**

**Бу нашр, биринчидан, мамлакатда маънавият асосчиси тарафидан яратилган, иккинчидан, ўтган ўн етти йил мобайнида бу борада амалга оширилган улкан маънавий ислоҳотларнинг таҳлилий хулосалари сифатида қоғозга тушган, учинчидан, унда ҳар бир масалага айнан бугунги талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб ёндашилган, тўртинчидан, эл-юртнинг порлоқ келажаги учун жонкуярлик қилинган.**

Бу ерда Юртбошини, аввало, маънавиятнинг халқ ва давлат тақдири, Ватан келажаги, эл-юртнинг эртаси, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини оширишдаги ўрни қизиқтиради. Бу эса "**фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқ**" масала. Чунки комил инсонни айнан маънавият орқалигина тарбиялаш мумкин.

Китобда муаллифнинг ўтган аср 90-йилларидан буён ҳозиргача маънавият, миллий ғоя ва мафкура ҳақидаги қарашлари, нуқтаи назарлари, позициялари, хулосалари, дурдона фикрлари, ўртага ташлаган шиорлари жамланади, бир сидра таҳлилга тортилади, мантиқий тизимга солинади. Шу тариқа бу нашр яхлит бир маънавий таълимот янглиғ майдонга чиққан.

Асарда икки энг асосий тушунча бор – *маънавият* билан *мафкура*. Булар – эгизак тушунчалар. Чунки муаллиф айнан *миллий маънавият ва миллий мафкура* ҳақида сўз юритади. Ахир, ҳар қандай мафкуравий таҳдид амалда миллий маънавиятга таҳдид эмасми? Шунинг учун ҳам асарнинг учинчи боби махсус "Маънавиятга таҳдид – ўзлигимиз ва келажагимизга таҳдид" деб номланади.

Боб икки фаслдан ташкил топган. Биринчиси, "Глобаллашув жараёнлари ва маънавий таҳдидлар", иккинчиси, "Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя" деб номланади. Айнан шу бобда хавфсизликни таъминлаш ва маънавий тарбия масаласи кўпроқ ўртага қўйилади.

Муаллиф глобаллашув жараёнини ҳаққоний ва холис тарзда шарҳлаб беради: *"Глобаллашув жараёни ҳаётимизда тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий омили ва сабаби хусусида гапирганда шуни объектив тан олиш керакки, бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб боряптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас".*

Шу тариқа бу оламшумул ҳодиса *"аввало, ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви"* тарзида изоҳланади.

Аммо ҳар қандай таёқнинг икки учи мавжуд. Шунга ўхшаш, *"глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас"*. Чунки *"ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатадики, ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда – эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин"*.

Хавфсизликни таъминлаш ҳам, маънавий тарбияни амалга ошириш ҳам, ростини айтганда, ана шу икки бир-бирига тамоман қарама-қарши куч ўртасидаги кураш жараёнларида кечади. Бу курашда четда туриш ҳам, иккиланиш ҳам, чекиниш ҳам – мағлубият, деган гап.

Асар муаллифи 1998 йили "Тафаккур" журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобларида таъкидлаган мана бу фикрини қайта келтиришни лозим топади: *"бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга"*. Сабабини ҳам изоҳлаб беради: *"Бу масаланинг кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин"*.

Давлат мустақил бўлди. Демократик тузум, фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат барпо этяпмиз. Аммо энди шахс мустақил бўлиши керак. Жаҳондаги мураккаб вазият айнан шуни тақозо этяпти. Чунки: *"замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий қадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъсирига бардош бериши – амри маҳол"*.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январдаги Фармойиши билан таълим тизимида миллий ғоямиз асосий тушунча ва тамойиллари махсус фан сифатида ўқитилиши жорий этилгани ҳам бежиз эмас.

Четдаги ёвуз кучлар мамлакатимиз ёшларини ўзларининг ғаразли мақсадларига бўйсундириш, жамиятимизда бўлинишлар содир этиш, шу тариқа сувни лойқалатиб, ўз "балиқ"ларини тутиш пайидан бўлаверади. Яқинда телевидение орқали берилган бир кўрсатувда мамлакатимиз ёшлари орасига яна суқилиб киришга интилаётган "нурчилар" оқими тарафдорларининг кирдикорлари кўрсатилди. Шундан ҳам хулоса қилиш мумкинки, ёт ғояларнинг бизга таъсиридан ҳимояланиш учун ҳар куни, ҳар соат эмас, ҳатто, ҳар лаҳза курашиш, огоҳ бўлиш, бунга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш зарур. Муаллифни шу муаммо қаттиқ безовта қилади.

Бироқ бу масалада палапартишлик, бир томонламалик кўл келмайди: *"Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганимиз ва бу йўлдан ҳеч*




*қачон қайтмаймиз"*.

Айни мушкулотнинг ечими бор. Бу ёшлар онгида маънавий бўшлиқ юзага келишига йўл қўймаслик. Бунинг учун *"уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур"*.

Мазкур масалада китобдаги позиция жуда қатъий: *"Мен, ҳаётда кўп бора ўз тасдиғини топган ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, бу масалада шундай деган бўлардим: тобора кучайиб бораётган шундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин"*.

Миллий қадриятларимиз, ҳатто, муқаддас динимизнинг ҳам мағзи-мағзида маънавий тарбия ётади. Шунинг учун маънавий тарбияда икки муҳим жиҳат бор. Биринчиси – ниманималарнидир амалга оширишга ундаш. Иккинчиси – ниманималардандир тийилиш.

Шундан келиб чиқиб, тушунчаларни ҳам икки қисмга бўлиш мумкин. Биринчиси – *фазилатлар*, иккинчиси – *иллатлар*. Халқ фазилатли инсонни бамаъни одам, иллатли кишини бемаъни одам дейди.

*Фазилатлар* деганда фақат яхши хусусиятлар, *иллатлар* деганда эса фақат ёмон хусусиятлар тушунилади. Инсонни бошқа жонзотлардан ажратиб, ундан устун қилиб турадиган жамики фазилатлар йиғиндиси маънавият ҳисобланади.

Фазилатларга *сабр, қаноат, орият, виждон, иймон, шукр, фидойилик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, уддабуронлик, эпчиллик, мардлик, садоқат, матонат, жасурлик, чаққонлик, билимдонлик, ақллилик, ҳалоллик, поклик, озодалик, вафо, тўғрилик, андиша ва ҳоказолар киради.*

Бундай фазилатлар кишини ҳар тарафлама безайди, унинг эл орасидаги обрўйи, ҳурмат-эътиборини оширади.

Модомики, киши маънавиятли бўлишни истаса, унинг олдида икки муҳим вазифа кўндаланг бўлади. Биринчиси – у ўзида жамики эзгу жиҳатларни шакллантириши, фазилатларини тинимсиз равишда такомиллаштириб бориши зарур. Иккинчиси – у барча иллатлардан қутилиб, уларни ўзига асло юқтирмасликка ҳаракат қилиши лозим.

Ана энди бир савол туғилади: хўш, инсон феъл-атворидаги қандай хусусиятларни иллат ҳисоблаймиз?

*Ўғрилик, ёлғончилик, текинхўрлик, дангасалик, сабрсизлик, билимсизлик, тамагирлик, порахўрлик, текинхўрлик, ваъдасида турмаслик, сотқинлик, хоинлик, бевафолик, баднафслик, бадфеъллик ғийбатчилик, иғвогарлик, интизомсизлик, бетга чопарлик, чекиш, ичкиликбозлик, нашавандлик, қиморбозлик, ифлослик, кўр-кўрона тақлидчилик, ахлоқсизлик, қўполлик, сўкиниш, кўчирмакашлик, андишасизлик, юз-хотир қилмаслик* ва ҳоказолар иллат ҳисобланади. Улар кишини обрўсизлантиради, ҳурматини пасайтиради, бадном қилади.

Киши феъл-атворидаги бундай хато ва камчиликлардан ёшлик чоғлариданоқ фориғ бўла бориши зарур. Акс ҳолда, у шу ёмонликларга ўрганиб қолади. Кейин улардан қутулиши жуда оғир кечади.

Инсонни бошқа жонзотлардан ажратиб, ундан паст қилиб турадиган шундай иллатлар ҳам борки, бу масалада ҳайвон – ундан афзалроқ.

Алишер Навоий бобомиз буни зўр қилиб айтиб қўйганлар:

***Одам борки,***
***одамларнинг нақшидур,***
***Одам борки,***
***ҳайвон ондин яхшидур.***

Бу ерда *нақш* сўзи *гул* маъносида ишлатилган. Демак, шундай киши борки, улар одамларнинг гули саналади. Бу шеърий ҳикматнинг биринчи қаторида айнан ана шундай, яъни ўзида юксак маънавий фазилатларни жамлаган инсон кўзда тутилган. Иккинчи мисрада эса, аксинча, иллатлари кўпайиб кетган кишилар ҳақида гап боряпти. Шоир ундайлардан ҳайвон яхши эканини таъкидлайди.

Биз болапарвар халқмиз. Борди-ю, тўйдан кейин бир неча ой ўтса-ю, туғилажак чақалоқнинг дараги чиқавермаса, икки тараф ҳам хавотирга, югур-югурга тушиб қолади. Ахир, бизда ҳаётнинг, яшашнинг бош мақсади – фарзанд. Ҳаммамиз шуни ният қиламиз. Ҳаммамиз фарзандларимиз бахту саодати учун елиб югурамиз. Бу бизда давлат сиёсатига айланиб кетган. 1998 йилнинг "Оила йили", 1999 йилнинг "Аёллар йили", 2000 йилнинг "Соғлом авлод йили", 2001 йилнинг "Она ва бола йили", 2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб аталиши замирида нима ётибди? Ёхуд "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида қишлоқда аҳоли, хусусан, ёшлар учун янги иш жойлари пайдо қилиш, мактаб, коллеж ва лицейлар қуриш, борларини таъмирлаш, уларнинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлашдан кўзланган бош мақсад ҳам келажак авлод дарди билан яшаш эмасми?

Фарзанд масаласида Ғарб, аввало, инсон учун курашяпти. Шарқда, жумладан, Ўзбекистонимизда эса сифат учун интилиш бошланган.

Сифат деганда эса, биринчи навбатда, ёшларнинг онг-тафаккури, дунёқараши, мафкураси, лўнда қилиб айтганда, маънавияти кўзда тутиляпти.

Шуни унутмаслик керакки, бошқа мамлакат халқига қаратилган ҳар қандай ёт ғоя ва мафкуранинг тагзамирида охироқибат шу юртнинг ер ости, ер усти бойликларига эгалик қилиш илинжи ётади. Шунинг учун ҳам ҳеч кимнинг мафкуравий жиҳатдан лоқайд бўлишга ҳаққи йўқ: *"Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқталарга айланади. Ва аксинча – қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади"*.

"Юксак маънавият – енгилмас куч" китобида муаллиф бундан ўн йиллар бурун илгари сурган қатъий нуқтаи назарини яна қайта уқтиради: *"фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда"*.

Биз шундай маънавий бойликка эга халқмизки, ҳар қандай фикрга қарши фикр, ҳар қандай ғояга қарши ғоя, ҳар қандай жаҳолатга қарши маърифат билан жавоб бериш учун барча асослар мавжуд.

Ҳамма гап хавфсизликни таъминлаш ва маънавий тарбияни амалга оширишда ана шу юксак маънавий бойликдан фойдалана билишда қолган. Бунинг катта масъулияти бор, чунки халқнинг ана шу буюк хазинаси ҳар бир шахснинг қалби ва онг-тафаккуридан ўрин олиши лозим. Тарбиянинг мураккаблиги ҳам, шарафи ҳам шунда.

**Султонмурод ОЛИМ,**
**Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари ўринбосари.**

МИНИ-ФУТБОЛ

# МУСОБАҚА САВИЯСИ ОШМОҚДА

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Биринчи бўлимда жамоалар аъзолари эҳтиёткорликка эътиборни қаратишди. Негаки, ҳар бир эҳтиётсизлик қўпол хатолар келтириб чиқаришини ўйинчилар яхши билишарди. Дастлаб ЖИЭББ жамоаси ташаббусни ўз қўлига олди. Натижада ўйиннинг 5-дақиқасида ҳимоячиларнинг хатоси туфайли ЖИЭББ жамоаси мини-футболчилари ҳисобни очди – 0:1. Ўн дақиқа ўтар-ўтмас ШТБИХ жамоаси ярим ҳимоячиси, майор Анваржон Саримсаков орадаги фарқни тенглаштиришга муваффақ бўлди – 1:1. Спортчилар танаффусга 1:1 ҳисоби билан чиқишди.

Иккинчи бўлим жамоаларнинг тезкор ҳужумлари остида бошланди. Вазирлик ШТБИХ футзалчилари қарши ҳужумга зўр беришди. Натижада, рақиб дарвозаси олдида хавфли вазиятларни юзага келтирди. Ана шундай ҳужумларда, бири гол билан якунланди. Узоқ масофадан берилган зарба тўғри дарвоза тўрига келиб тушди. Ҳисобда олдинга чиқиб олган ШТБИХ жамоаси руҳий устунликка эришдими, кетма-кет рақиб дарвозасини ишғол қилишди – 4:1. Бундай ҳисобдан қониқмаган ЖИЭББ спортчилари асосий эътиборни ҳужумга қаратишди. Пировардида бирин-кетин киритилган тўп орадаги фарқни қисқартирди – 4:3. Учрашув тугашига саноқли дақиқалар қолганда ЖИЭББ жамоа аъзолари рақиб дарвозаси томон бир неча хавфли зарбалар беришди. Аммо ШТБИХ жамоаси посбони, катта лейтенант Ш. Останақулов ишончли ҳаракат қилиб, учрашув қаҳрамонига айланди. Шундай қилиб қизиқарли ва мароқли ўтган беллашувда ШТБИХ вакиллари ғалаба қозонди ва мусобақанинг тенгсиз жамоасига айланди.

– Айтиш мумкинки, бу йилги мусобақага жамоалар астойдил тайёргарлик кўришган экан, – дейди республика ИИВ ШТБИХ касбий тайёргарлик ва шахсий таркибдан тест синовларини қабул қилиш бўлими бошлиғи, подполковник А. Сулаймонов. – Буни беллашувларнинг муросасиз тус олганлиги билан изоҳлаш мумкин. Гувоҳи бўлганингиздек йилдан-йилга турнир савияси ва нуфузи ошиб бормоқда. Бу галги беллашувларда ЖҚ ва ТҚКББ, «Қўриқлаш» Бирлашмаси, ЁХББ, ТББ, Ахборот маркази жамоалари фаол иштирок этишди. Истиқболда волейбол, баскетбол, спортнинг бошқа турлари бўйича мусобақалар ташкил этишни режалаштирмоқдамиз. Бу эса, ўз навбатида, ходимларнинг жисмонан бақувват, соғлом ва руҳан тетик бўлишида муҳим аҳамият касб этади.



– Ғалаба қозонишимизга ишончимиз катта эди, – дейди ИИВ ЖИЭББ жамоаси сардори, подполковник Ф. Қаюмов. – Бироқ биздан бир оз омад юз ўгирди. Рақиб жамоа аъзолари ҳам кучли, шу билан бирга, юксак тактикага эга экан. 26 та жамоа орасида иккинчи ўринни эгаллаганимиздан хурсандмиз.

– Тўғриси, ҳар бир ўйинда ғалабага бўлган ишонч жамоамизни асло тарк этмади, – дейди ШТБИХ жамоаси ҳужумчиси, майор Нўъмон Юнусов. – Жамоавий ўйин намойиш қилганимиз бизга қўл келди. Мусобақани юқори савияда ташкил этгани учун ташкилотчиларга, шунингдек, қизиқарли ўтган ўйинларни одилона бошқарган ҳакамларга ташаккур билдираман.

– Мусобақа юксак савияда ўтди, – дейди Ўзбекистон Футбол федерациясининг биринчи тоифали ҳаками А. Эргашев. – Жамоаларнинг жисмоний тайёргарлик даражаси яхши эканлиги ўйинларнинг қизиқарли ўтишини таъминлади. Қўпол қоидабузарлик ҳолатлари кам кузатилди. Бу эса ўз навбатида, жамоалар аъзоларида футбол маданияти ошганлигини кўрсатади.

Мусобақа ғолибларини тақдирлаш маросимини республика Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Ш. Икрамов кириш сўз билан очиб, спортчиларни ИИВ раҳбарияти номидан қизғин табриклади ва келгуси ишларида, хизматларда муваффақият тилади. Сўнг ғолиб жамоаларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғаларни топширди. Шунингдек, номинациялар бўйича «Энг яхши дарвозабон» катта лейтенант Ш. Останақулов (ШТБИХ), «Энг яхши ҳимоячи» майор О. Азимов («Қўриқлаш» Бирлашмаси), «Энг яхши ҳужумчи» капитан Р. Ваҳобов (Ахборот маркази), «Энг кўп гол урган ўйинчи» капитан Т. Қораходжаев (МТТБ), «Турнирнинг энг ёши катта ўйинчиси» полковник А. Алиматов (ЁХББ) ҳамда подполковник А. Қораходжаев (Қоровул қўшинлари), «Энг яхши жамоа сардори» подполковник Х. Сулаймонов (ЙҲХББ), «Ғалабага астойдил интилган жамоа» номинацияси бўйича ЖҚ ва ТҚКББ ҳамда Тиббиёт бошқармаси вакиллари тақдирланди.

Шунингдек, мусобақани қатъийлик ва холисона ўтказилишини таъминлаганликлари учун Ўзбекистон Футбол федерациясининг биринчи тоифали ҳакамлари Т. Гайнуллин ва А. Эргашев, оммавий ахборот воситалари орқали ёритилишида ўз ҳиссасини қўшганлиги учун Ф. Саъдуллаевага эсдалик совғалари топширилди.

**Азизжон ФАЙЗИЕВ,**
**«Постда» мухбири.**
**Суратларда:** ***мусобақадан лавҳалар.***
**Абу КЕНЖАЕВ**
**олган суратлар.**

**ТАБРИКЛАЙМИЗ!**

Ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги майор **Усмон ЭЛМУРОДОВ**ни 60 ёшга тўлгани билан самимий табриклаймиз. Меҳрибон дадажонимиз узоқ умр кўриб, саломат, бардам бўлиб, фарзандларининг камолини кўриб, невараларнинг севимли бобоси бўлиб даврамизни тўлдириб юришларини тилаймиз.

**Эҳтиром ила оила аъзолари.**

СПАРТАКИАДА

## МАҲКУМЛАР БЕЛЛАШИШДИ

**Республика ИИВ ЖИЭББ тасарруфидаги муассасалар махсус контингенти ўртасида спорт ишларини янада ривожлантириш мақсадида февраль ойини «Спартакиада–2009» ойлиги, деб эълон қилинганди. Жойларда уни ўтказиш юзасидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.**

Қашқадарё вилояти ИИБ ЖИЭБ тасарруфидаги полковник Жонпўлат Абдуллаев бошлиқ жазони ижро этиш муассасасида ҳам мазкур спорт байрами тадбирига катта тайёргарлик билан киришилди. Маҳкумлар учун спорт борасидаги ўз маҳоратларини яна бир бор намойиш этиш имконияти берилди.

Тадбир жараёнида спортнинг беш тури, яъни кураш, шахмат-шашка, тош кўтариш, 100 метр масофага югуриш ва турникка тортилиш бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Беллашувларда иштирок этган маҳкумлар муассаса шаънини ҳимоя қилиш учун бор куч ва маҳоратларини намойиш қилишди.

Спорт мусобақалари якунига бағишлаб ўтказилган тадбирда муассаса бошлиғи ўринбосари, майор Шеробод Маҳмудов ғолибларга эсдалик ва қимматбаҳо совғалар топширди.

**Тоир ҲАКИМОВ,**
**майор.**

САМБО

## БУХОРОЛИК САМБОЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

**Бухоронинг "Ҳумо" спорт мажмуасида самбо бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг кучли самбочилари голиблик учун куч синашди.**

Мазкур турнирга қизиқиш жуда катта эди. Иштирокчилар орасида жаҳон ва Осиё чемпионлари бўлган машҳур самбочилар борлиги мусобақанинг ғоятда нуфузли эканлигини кўрсатади.

Шуни таъкидлаш жоизки, бизнинг самбочилар мухлислар ишончини яна бир оқлашди. Улар иккита олтин, кумуш ва учта бронза медалини қўлга киритишди.

Турнирда Шуҳрат Муродов чиқиши айниқса, кўпчиликни қувонтирди. У муносиб тарзда олтин медаль совриндори бўлди. Шу куни унинг мураббийи Ф. Солиевнинг қувончи чексиз эди. Яна битта олтин медални республика ИИВ Академияси жисмоний тайёргарлик кафедраси бошлиғи ўринбосари, подполковник Акобир Қурбонов қўлга киритди. Бир неча бор жаҳон ва Осиё чемпиони бўлган Акобир Қурбонов Бухорода ғалабага эришиб, 15-марта Ўзбекистон чемпиони бўлди.Илғор Асадов эса учинчи ўринни эгаллади.

Шунингдек, мусобақада самбочилар Н. Аҳметов, Ш. Ширинов кумуш медални қўлга киритган бўлса, А.Шарипов ва Ў. Ражабов бронза медали соҳибига айланишди.

– Бўлиб ўтган чемпионат бухоролик самбо усталарининг юксак маҳоратини кўрсатди, – деди Бухоро Маданият ишлари ва спорт бошқармаси ҳузуридаги 2-сон олимпия захиралари спорт мактаби сардори Хол Мубораков. – Мен мактабимиз тарбияланувчиларининг самбо кураши бўйича вилоятимиз терма жамоаси муваффақиятларига муносиб улуш қўшганларидан жуда мамнунман. Эндиликда бизнинг энг сара самбочиларимиз Ўзбекистон терма жамоаси таркибида жаҳон биринчилиги мусобақаларига тайёргарликни бошлаб юборишади. Улар юртимиз спортини дунё миқёсида юксакларга кўтаришларига ишончим комил.

**Рўзигул ЙЎЛДОШЕВА.**

*Бухоро вилояти.*

ҚЎЛ ЖАНГИ

## ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

**Яқинда Тошкент шаҳрида қўл жанги бўйича республика очиқ чемпионати мусобақалари бўлиб ўтган эди. Унда иштирок этган Фарғона вилояти спортчилари умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринга сазовор бўлди.**

Ушбу муваффақиятли ғалаба муносабати билан Фарғона шаҳридаги «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгаши мажлислар залида спортчиларни тантанали тақдирлаш маросими ўтказилди. Унда ғолиб спортчилар, уларнинг ота-оналари ва спорт мураббийлари иштирок этдилар.

Тадбирни вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, полковник Р. Абдуллаев кириш сўзи билан очиб, спортчиларнинг эришган ютуқлари билан қизғин қутлади.

Шундан сўнг ғолиб спортчилар ва уларнинг мураббийларига республика Қўл жанги федерациясининг дипломлари, эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлари топширилди.

Мусобақада олтин медаль соҳиби бўлган Ҳабибулло Бораталиев, кумуш медаль соҳиблари – Асрор Абдураҳмонов, Жамшид Нишонбоев, Мухтор Етмишбоев, бронза медали эгалари – Миржалол Азимов, Музаффар Исроиловнинг чиқишлари юқори баҳоланиб, уларни тарбиялаган мураббийлари ва ота-оналарига чуқур миннатдорчилик билдирилди.

Ўз ўрнида спортчи ёшлар ва уларнинг мураббийлари бу юксак эътибордан хурсандликларини, келгусида юрт байроғини янада баланд кўтариб, халқимиз ишончини оқлашга ҳаракат қилишларини таъкидладилар.

**Абдувосит СИДДИҚОВ.**

*Фарғона вилояти.*

СОҒ ТАНДА – СОҒЛОМ АҚЛ

## БОЛАЛАР СПОРТНИ СЕВИШАДИ

**Вилоят ички ишлар идоралари ходимлари тарбияси оғир болалар ўртасида салмоқли ишларни амалга оширишаяпти. Уларнинг иш дастурларида тарбиявий аҳамиятга эга, шунингдек, болалар саломатлигини мустаҳкамлаш ва қаровсиз қолган болаларни кўчада кераксиз машғулотлар билан шуғулланишдан сақлашдек эзгуликни кўзлаган бир қатор тадбирлар ҳам ўрин олганлиги эътиборга лойиқ.**

Яқинда Бухоро шаҳрида шундай тадбирлардан бири – мини-футбол мусобақаси ўтказилди. Вилоят ИИБ ташаббуси билан Маданият ва спорт ишлари вилоят бошқармаси ҳамкорлигида ташкиллаштирилган ушбу спорт тадбирида шаҳар ва туманлардан ташриф буюрган тарбияси оғир болалар иштирок этишди.

Мусобақанинг вилоят босқичида 11 та жамоа иштирок этди. Қизғин курашлар остида ўтган беллашувлар Вобкент тумани ёш минифутболчилари ғалабаси билан якунланди. Когон ва Бухоро шаҳри болалари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни қўлга киритишди.

Айни пайтда бундай тадбирлар болаларни ҳалол кураш ва рақобат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаш жоиз.

**Норпўлат БОЗОРОВ,**
**майор.**

*Бухоро вилояти.*

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

# ОЧКЎЗ КЕЛИН

Зайнаб оиласида эрка ўсган қиз эди. Отаси мўмин-қобил бўлгани учун оила «кемаси»ни бошқаришни онаси ўз қўлига олганди. У ана шундай муҳитда тарбия топди. Онасидан ҳайиқарди-ю, отасини писанд қилмасди. Тақдир экан, қўшни қишлоқдаги тартибли ҳовлига келин бўлиб тушди. Даставвал ўзини ювош қилиб кўрсатди. Кейин «Қуш уясида кўрганини қилади», деганларидек феъли айний бошлади. Келин бўлиб борган хонадони анча каттагина, эри кенжа фарзанд эди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас, ҳайҳотдек ҳовлида кекса қайнонаси билан қолишди. Шундай ҳовлида қолгани Зайнабга мойдек ёқарди-ю, қайнонаси худди унга тусиқ бўлиб кўриниб кетарди. У тезроқ қайнонасининг қазо қилишини, оилада ўзи ёлғиз ҳукмрон бўлишни истарди. Эри бўлса ишга эрта кетиб, кеч келади. Нияти бузилган Зайнаб тез-тез қайнонасини чаёндек чақишга ўтди.

Бир куни шаҳарлик опаси уникига меҳмон бўлиб келди.

— Қайнонанг бунча исқирт, — деди опаси бурнини жийириб. — Аммо оғзи-қулоғи тиллага тўла экан.

— Ҳа, ўғиллари олиб берган, — деди Зайнаб ойдинлик киритиб.

— Ўзларига тўқ экану, сенга тузукроқ тилла тақинчоқ ҳам олиб беришмаган. Бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда бўлган кампирга ким қўйибди ўзига оро беришни?! Тилла буюмларини сенга берса бўларди энди. Ҳар қалай хизматини қилаяпсан.

— Ўзимники етарлику опа, — Зайнаб тушунтирган бўлди.

— Намунча анқовсан? Кўп бўлса ортиб кетадими?!

Опаси кетди-ю, Зайнаб баттар ўзгарди-қолди. Онасиникидан тақиб келган бир қанча тақинчоқлари бўлишига қарамай, эрига хархаша қила бошлади. Эр шўрлик нима қилсин?! Тинимсиз асаббузарликдан сўнг онасидан яшириб тилла тақинчоқлардан яна олиб берди. Нафси оч Зайнабнинг эса кўзи ҳечам тўймасди. Қайнонасининг тилла зиракларини кўргани сайин ғайирлиги ортарди.

У дилига тугиб қўйган ғаразли ниятига эришиши учун узоқ вақт керак бўлмади. Кексалик экан, қайнонаси тўсатдан хасталаниб, ётиб қолди. Зайнаб эса унга номигагина қараб, ичида ўлимини тилашдан уялмади. Кампирнинг ўғиллари касалхонага олиб бориб даволатишди. Онахон бироз соғайган бўлди. Уйига қайтган кампирнинг кутилмаганда жони узилди. Шу куни ёлғиз Зайнабгина уйда эди. Кечагина шифохонадан қайтган қайнонаси анча тетик, яхшига ўхшаб турганди. Узоқроқ қариндошларидан бирининг тўйи бўлаётганди. Ҳаммани ўша ёққа кетказиб кампир ҳам омонатини топшириб қўйди.

Зайнаб шошиб қолди. Бошқаларга хабар беришдан олдин қайнонасининг тилла зираги ва оғзидаги қоплама тишларини суғурди-да, яшириб қўйди. Азада бировнинг кўнглига қил сиғармиди. То кампирни тупроққа кўмиб қайтгунларича ҳам бировнинг хаёлига тилла тақинчоқлар келмади. Эртаси куни сал ҳовури босилган кампирнинг келинлари-ю, қизи муҳокама бошлашди.

— Онамизнинг тилла тишлари ва зираги бор эди-ю, кўринмай қолди. Юваётганда ҳам йўқ эди, қайсиларинг олиб қўйгандиларинг? — деди катта келин.

Ҳамма асабийлашди. Биров мен демади. Зайнаб бир сесканди-ю, лекин сездирмади. Орадан уч-тўрт кун ўтиб кампирнинг қизи яна шу ҳақда сўз очиб қолди.

— Икки кундан бери тушимга онам киради. Оғзидан қон сизган, қулоқлари шилиниб, юлинган. Фақат шу ҳолат, қўрқиб кетаяпман.

— Ўша куни уйда сиз эдингиз, — деди улар Зайнабни ўртага олиб. Балки, сиз биларсиз?

Зайнаб ўзини сувдан қуруқ олиб чиқди.

— Нима энди, мени айбламоқчимисизлар? Ўзи юрагим ёрилай деб, бир аҳволга тушдиму, кўзимга тилла кўринадими?!

Эркаклар аралашуви билан можарога якун ясалди. «Ўша тиллалар онамиздан азизроқмиди?», дея индамай қўяқолишди. Лекин кўп ўтмай айбдор жазосини олди.

Зайнаб бир кеча ярим тунда алаҳсираб уйғонди. Ҳовлидаги кекса ўрик дарахти тагида сўри бор эди. Эри ишдалиги учун икки нафар боласи билан ўзи ётганди. Турди-ю, тинмай алжирай бошлади. Худди телбага ўхшарди...

Орадан ойлар, йиллар ўтди. Зайнаб ўзи орзу қилганидек катта ҳовлида ўзи қолди. Бироқ унинг қўллари тинимсиз қалтирайдиган, ўзи эса сал телбанамо бўлиб қолганди. У тез-тез бир хил туш кўрар, тушида оғзи-ю, қулоқлари қонталаш бўлган қайнонаси кекса ўрик тагида йиғлаб ўтирарди...

**Абду Восит СИДДИҚ.**

*Фарғона вилояти.*

ЎЗИНГГА ЭҲТИЁТ БЎЛ...

# КАЛИТ МАШИНАДА ҚОЛГАНДИ

Хўжаобод туманида яшовчи Ҳ. Шокир дўстлари билан чойхонада ошхўрлик қилмоқчи бўлди. У акасига тегишли «ГАЗ — 2401» русумли автомашинада дўстлари билан чойхонага келди. Ош пишгунча икки-уч шишаароқни бўшатган улфатлардан бири зарур иши борлигини айтиб Шокирдан уйига олиб бориб қўйишни илтимос қилди. Шокир уни уйига ташлади-да, ортига қайтди. У чойхона олдига келиб машинани тўхтатаётганда телефон орқали дўстлари ошни сузиб, унга кутиб ўтиришганини айтишди.

Шокир дўстларини куттириб қўймаслик мақсадида машина калитини ҳам олмасдан чойхонага кириб кетди. Яхши кайфиятда, ҳазил-ҳузул гаплар билан ўтирган улфатлар уйларига кетиш учун ташқарига чиққанларида «Волга» жойида йўқ эди. Уни кимдир ҳайдаб, олиб қочган эди. Бўлган воқеа ҳақида тезда туман ИИБ навбатчилик қисмига хабар берилди. Зудлик билан ушбу ҳолат юзасидан вилоят бўйича «Тўсиб ушлаш» махсус тадбири ишлаб чиқилди. Барча шаҳар, туманлар, қўшни Фарғона ва Наманган вилояти ИИБларига хабар берилди.

Олиб борилган тезкор ҳаракатлар натижасида машинани олиб қочган шахс аниқланиб, ушланди. У туман марказида яшовчи М. Фурқат бўлиб чиқди. Олиб қочилган машина эса «Хўжаобод-Булоқбоши» йўлида топилди.

**Сайдулло ЭСОНБОЕВ,**
**катта сержант.**
**Азизхон БУЗРУКОВ.**

*Андижон вилояти.*

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Молия-иқтисод бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Сурхондарё вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари, майор А. Бобоевга онаси

**ОЛМОС аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

## БОЛАЛАРНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?





Тошкент вилояти ИИБ ҲООБ Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига 2009 йилнинг 27 январь куни Янгийўл шаҳар ИИБ ҲООБ ВЕОҲООГ ходими томонидан шаҳар ҳудудида қаровсиз юрган, 2000 йилда тугилган **Регина Саид қизи Амирова** ҳамда ёши бешларда бўлган **Беҳруз Саид ўғли Амиров** олиб келинган. Улар ота-онаси, яшаш манзили ҳақида маълумот бера олмайди.

**Қизчанинг белгилари:** бўйи 100-110 см, сочи калта, сарғиш, кўзлари жигарранг, қошлари саргиш, ёйсимон.

**Кийимлари:** сариқ куртка, қизил кофта, пуштиранг колготка, қизил этик кийган.

**Ўғил боланинг белгилари:** бўйи 90-100 см, сочи саргиш, калта, кўзлари жигарранг, қошлари сарғиш, ёйсимон.

**Кийимлари:** жигарранг пальто, кулранг свитер, жинси шим, калишда бўлган.

**Кичкинтойларнинг ота-оналари, яқинлари ёки уларни таниган, бирор маълумотга эга фуқаролардан Тошкент вилояти ИИБ ҲООБ Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига мурожаат қилишларини сўраймиз.**

# БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН



Сирдарё вилояти Сирдарё тумани ИИБ томонидан 1990 йилда туғилган **Муродали Баҳриддинович МУРЗАЕВ** бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда. У Сирдарё тумани Собир Раҳимов ФХУ Б.Бекжонов номли маҳалласида яшаган. 2005 йилнинг 28 июль куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 165-168 см, сочи жигарранг, кўзлари, қошлари қора.

**Кийимлари:** оқ-қора узун кўйлак, қора туфлида бўлган.

**М. Мурзаевни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга фуқаролардан Сирдарё тумани ИИБ ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

* * *

Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани ИИБ томонидан 1955 йилда туғилган **Шокир Алимович ЭРГАШЕВ** бедарак йўқолганлиги учун қидирилмоқда. У Жалолқудуқ тумани «Ҳасанқовоқ» маҳалла фуқаролар йиғини, Гулбаҳор кўчаси, 112-уйда яшаган. 2008 йилнинг июль ойи ўрталарида уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** сочи, қошлари ва соқолига оқ оралаган, кўзлари жигарранг, бурни узун, каттароқ.

**Кийимлари:** дўппи, кўк, енги узун катак кўйлак, қора шим, жигарранг ёки қора камар, қора ёзги туфлида бўлган.

**Алоҳида белгилари:** жағининг тепа ва пастки қисмида тишлари йўқ, курак соҳасида 5 см. катталикда қора доғ, оёқ тўпиғида думалоқ шиш бор.

Ш. Эргашевни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга бўлган фуқаролардан Жалолқудуқ тумани ИИБ ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

* * *

Шаҳрихон тумани ИИБ томонидан 1955 йилда туғилган **Нигмон Усмонович СУЛТОНОВ** бедарак йўқолганлиги учун қидирилмоқда. У Тошкент вилояти Паркент тумани Заркент қишлоғида яшаган. 2007 йилнинг 14 август куни Шаҳрихон туманидаги Кум қишлоғидан уйига кетиш ниятида чиқиб кетиб, бедарак йўқолган.

**Белгилари:** бўйи 165-170 см, кўзлари, қошлари қора, сочига оқ оралаган.

**Кийимлари:** енги калта, сарғиш, катак йўлли кўйлак, оқ майка, қора шим, қора туфлида бўлган.

Н. Султоновни кўрган, қаердалиги ҳақида бирор маълумотга эга бўлган фуқаролардан Шаҳрихон тумани ИИБ ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

* * *

**Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа тумани ИИБ томонидан қуйидаги шахслар бедарак йўқолганлиги учун қидирилмоқда.**



**Огулжон Каландаровна ЯРАШОВА.** 1963 йилда туғилган. Элликқалъа тумани Тозабоғ овулида яшаган. 2007 йилнинг 14 октябрь куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 160-165 см, сочи қора, узун, кўзлари қора.

**Кийимлари:** калта чарм костюм, қўнғир халат, ботинкада бўлган.

* * *



**Шарофат Вапоевна САПАЕВА.** 1969 йилда туғилган. Элликқалъа тумани Навоий овулида яшаган. 2008 йилнинг 10 июль куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 170-175 см, сочи қора, калта, кўзлари қора.

**Кийимлари:** қўнғир кофта-юбкада бўлган.

**Алоҳида белгилари:** қорин қисмида чандиғи бор.

* * *



**Дастан Тухтабаевич АТЕШОВ.** 1985 йилда туғилган. Элликқалъа тумани «Қилчиноқ» фермер хўжаликлари уюшмасида яшаган. 2008 йилнинг 17 октябрь куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 175-180 см, сочи, кўзлари қора.

Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга фуқаролардан Элликқалъа тумани ИИБ ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

* * *

**Тошкент вилояти Янгийўл тумани томонидан қуйидаги шахслар бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда.**

**Абдукарим ЙЎЛДОШЕВ.** 1935 йилда туғилган. Янгийўл тумани Ниёзбош қишлоғи Гулбоғ маҳалласида яшаган. 2005 йилнинг 13 январь куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 170 см, сочи йўқ, қошларига оқ оралаган, кўзлари қора, қисиқ, қулоқлари катта.

**Кийимлари:** қора, ялтироқ чопон, қизил, йўл-йўл шарф, маҳсикалишда бўлган.

**Алоҳида белгилари:** тишлари протез.

* * *

**Фахриддин Носирович КАМОЛОВ.** 1982 йилда туғилган. Янгийўл тумани Халқобод қўрғони Бобур маҳалласида яшаган.

**Белгилари:** бўйи 165-170 см, сочи, қошлари қора, қиррабурун.

**Кийимлари:** оқ-қора, йўл-йўл кўйлак, сариқ футболка, оқиш шим, яшил оёқ кийимда бўлган.

**Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган, қаердалиги ҳақида бирор маълумотга эга фуқаролардан Янгийўл тумани ИИБ ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

**ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН**

# Шаҳри азимнинг шарқона бозорлари

***ҲИКОЯТ. Муҳаммад бин Мункадир йўқлигида ўғли беш дирҳамга сотиладиган молни ўн дирҳамга сотди. Буни эшитган Муҳаммад бин Мункадир бутун кунини харидорни исташга сарф этди ва ниҳоят топиб:***

***– Бизнинг ўғилча янглишиб беш дирҳамга сотилиши керак бўлган молни сизга ўн дирҳамга берибди, деган эди шунда харидор:***

***– Зарари йўқ, мен ўн дирҳамга олишга розиман, – деди.***

***Шунда Муҳаммад бин Мункадир:***

***– Сиз рози бўлганингиз билан биз рози бўлмаймиз. Биз рози бўлган нарсага сиз ҳам рози бўлинг, – деди ва беш дирҳамни қайтариб берди.***

Азалдан бозорнинг ўлчови, мезони ана шундай. Бировнинг ҳақига хиёнат қилмай, тош-тарозидан урмай, адолат билан савдо-сотиқ қилган киши барака топаверади. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллолоҳу алайҳи вассаллам, диний мазҳабимиз асосчиси Имоми Аъзам ҳам тижорат билан шуғулланиб, ширинсухан, ростгўй бўлганлари учун ҳаммадан кўпроқ фойда кўрганлар.

Тошкент бозорлари қадимдан шаҳарнинг таркибий қисми ҳисобланиб, аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. Зеро, бу жойларда нафақат савдо-сотиқ қилинган, балки ҳунармандлик ва жамоат маркази вазифасини ҳам ўтаган. Бозорлар атрофида устахоналар, ҳунарманд-косиблар яшайдиган маҳаллалар жойлашган.

Тарихий манбаларга кўра, XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида шаҳарда турли моллар сотиладиган Чорсу бозори, шунингдек, яна тўртта махсус бозор бор эди. Шулардан иккитаси – от бозор ва қўй бозор Хастимомда, қовун бозор, машҳур қаймоқ бозори эса Самарқанд дарвоза мавзесида жойлашган. Ўрда бозори мавқеи жиҳатдан Чорсу бозоридан кейин турган. Булардан ташқари, ҳар бир маҳалланинг ўз бозорчаси бўлиб, уларда кундалик рўзғор учун керакли моллар сотилган.

Энг катта ҳисобланган Чорсу (Эски шаҳар, Регистон, Эскижува) бозори Тошкент шаҳристонига туташ бўлган. Шаҳарнинг барча дарвозаларидан йўллар шу ерга келиб тақалган. Атрофи карвонсарой, омборхона, устахоналар, ҳунармандларнинг дўконлари ва уй-жойлари билан ўралган. Бу ерга Ҳиндистон, Афғонистон, Хитой ва бошқа хорижий мамлакатлардан карвонларда моллар келтирилган. Эски шаҳар бозори айни пайтда барча хабарлар тарқатиладиган марказ ҳам эди. Бинобарин, жарчилар фармонлар ва муҳим хабарларни шу ерда эълон қилган. Шарқдаги бошқа шаҳарлардаги каби рамазон ойида тунги бозор(бозоршаб)лар фаолият кўрсатиб, дор ўйинлари, чойхоналарда кулги-ҳазил саҳналари уюштирилган. Ўша кезлари бозорда ғаллабозор, арпабозор, бедабозор, сомонбозор, бардонбозор, гиламбозор, кигизбозор, наматбозор, кўрпабозор, каттабозор, кулолбозор, товоқбозор, кўчатбозор, мевабозор каби бозорча-майдонлар, шунингдек, боззозлик, читфурушлик, бешикчилик, дукчилик, заргарлик, кўнчилик, ромсозлик, совунгарлик, саррожлик, тўқувчилик, этикдўзлик, мисгарлик, чархчилик каби 40га яқин ҳунармандлик расталари бор эди. Ҳар бир растага мол сифати ва нархини назорат қилувчи раста оқсоқоли сайланган. Бозорнинг гавжумлигини назарда тутиб, фабрикачи ва саноатчи бойлар шу ерга ўз дўконлари, омборлари ва илораларини қурдилар. Шарқ бозорининг ўзига хос қиёфаси Кўкалдош мадрасаси, Жоме масжид, Хўжа Ахрор мадрасаси билан уйғунлашиб кетган эди.

Чорсу бозоридаги асосий реконструкция ишлари 50-йилларда амалга оширилди. 1990 йилда эса гумбазсимон янги ёпиқ бозор биноси қурилди. Гумбаз ости ҳавоси совуткичлар ёрдамида мўътадиллаштирилди. Европа ва Шарқ меъморчилик услублари асосида барпо этилган мазкур иншоотда савдо-сотиқ учун барча шароитлар яратилган.

– Биз рўзғор учун керакли нарсаларни асосан пойтахтдаги Чорсу буюм бозори ва Эски жува деҳқон бозоридан харид қиламиз, – деди Тошкент туманидаги Чувалачи қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси Эркин Алимов. – Шу йўналишга замонавий «Isuzu» автобуслари қўйилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Кейинги пайтда қишлоғимиздан Юнусобод, Чилонзор ва Қўйлиқ бозорларига ҳам жамоат транспорти қатнови йўлга қўйилгани катта қулайлик яратди.





Шу ўринда «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси раҳбарияти шаҳардаги бозорларнинг моддий техник базасини яхшилаш, сотувчи ва харидорларга қулайликлар яратиш учун барча имкониятларни ишга солаётганини таъкидлаш зарур. Айни пайтда тизимда 15 та бозор акциядорлик ҳамда 5 та масъулияти чекланган жамият бўлиб, улар 88 та йирик ва майда бозорларни ўз теварагига бирлаштирган.

Кейинги йилларда 2410 та ихтисослашган савдо жойлари, 13 та замонавий савдо мажмуалари барпо этилди. Авиасозлар деҳқон бозоридаги савдо мажмуаси, Олой деҳқон бозоридаги балиқ, гўшт ва тайёр кийимлар мажмуаси, Юнусобод деҳқон бозоридаги гўшт ва гўшт маҳсулотлари, қандолат ва сут маҳсулотлари савдо мажмуаси, Эски жува деҳқон бозоридаги гўшт ва гўшт маҳсулотлари, миллий қандолат савдо мажмуаси, Бешёғоч деҳқон бозоридаги қандолат ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари савдо мажмуаси, Фарҳод, Миробод ва Қўйлиқ деҳқон бозорларидаги гўшт маҳсулотлари савдо мажмуалари шулар жумласидандир. Булардан ташқари, Чорсу буюм бозори ҳудудида миллий кийимлар савдо мажмуаси ҳамда Эскижува деҳқон бозорида полиз маҳсулотлари, миллий таомлар, нон, гул ва қуруқ мевалар сотиладиган расталар фойдаланишга топширилди. Бу жойларда қадоқлаш хоналари, сартарошхоналар ва бошқа маиший хизмат хоналари ҳам қуриб битказилди.

Бажарилаётган кенг кўламли ишлар ўз навбатида янги бозор инфратузилмасини шакллантириш ҳамда савдо-сотиқни замон талаблари даражасида мувофиқлаштиришда қўл келаяпти. Зеро, бозорлар ва шохобчаларнинг барчаси электрлаштирилди, йирик шохобчаларда радио тармоғи мавжуд. 82 та ғазнахона компьютер билан жиҳозланган, 44 та шохобчадаги тушумлар кўчма кассалар орқали компьютерлаштирилган тизимга киритилмоқда. Бозорларга келаётган фуқаролар улар атрофида жойлашган 785 та дўкон, 100дан ортиқ ошхона, 60тага яқин сартарошхона ва фотосалон, 260 ўринли меҳмонхона, 290 та пойафзал таъмирлаш ва 18 та соатсозлик устахонаси, 3971 ўринли пуллик автотўхташ жойи, шунингдек, бошқа хизмат турларидан баҳраманд бўлишмоқда.

Қурилган чора-тадбирлар ва саъй-ҳаракатлар эвазига ўтган йили «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси тизимидаги бозор акциядорлик ва масъулияти чекланган жамиятлари фаолиятидан 15 млрд. 112 млн. сўм миқдорда даромад йиғилди. Ушбу кўрсаткич режага нисбатан 895 млн. сўм кўп демакдир. Қўлга киритилаётган бундай ютуқлар эса, ободончилик сари янги қадамлар ташланишида муҳим омил бўлаяпти.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини муносиб кутиб олиш, бозорларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш ва шарт-шароитни янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Тошкент шаҳар ҳокими томонидан ўтказилган сайёр йиғилишларда 2008 йилда бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди. Ишлаб чиқилган дастурга кўра, Бешёғоч деҳқон бозорининг Чилонзор шохобчасидаги савдо шийпонларининг томлари оралиғи профнастил билан ёпилди. Сут маҳсулотлари павильони жорий таъмирланди. Бозор ҳудуди ободонлаштирилди. Наврўз деҳқон бозорининг Ширин шохобчаси ҳудудида балиқ мажмуаси ва гўшт маҳсулотлари павильони қурилди. Олой деҳқон бозори ҳудудидаги қуруқ мевалар савдо шийпони металлконструкцияларини бўяш, бозор ҳудудини 1000 $м^2$ майдонига асфальт ётқизиш ҳамда мавжуд савдо шийпонларини ёритиш тизимини янгилаш ишлари бажарилди. Эски жува деҳқон бозори ҳудудига Сақичмон кўчаси томонидан кириш аркаси замонавий услубда қайта таъмирланди. Фарҳод деҳқон бозори савдо шийпонлари шифтларини капитал таъмирлаш, гул дўконлари қуриш ҳамда ҳудудини ободонлаштириш ишлари бажарилди. Қўйлиқ деҳқон бозорига ажратиб берилган 4,1 гектар майдонда автотураргоҳ қурилиши якунланди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Умуман, ўтган давр ичида 1739,6 млн. сўмлик қурилиш, қайта қуриш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди...

Шаҳри азим Тошкентнинг қутлуғ тўйи арафасида пойтахт бозорлари ҳар қачонгидан кўркам, чиройи ўзгача. Расталардаги озодалик ва саришталикдан кўз қувнайди. Савдо маданияти юксалиб бораётгани кишини мамнун этади. Ҳар бир бозорга кираверишда бадиий услубда ишланган, бир хил кўринишдаги паннолар ўрнатилгани харидорларга қулайлик туғдирмоқда. Зеро, уларда бозорнинг схемаси ва барча керакли маълумотлар ўрин олган. Пойтахт бозорларидаги хайрли ўзгаришларни кузатар эканмиз, хаёлимиздан бир ўй кечади: бозорда гап кўп. Халқимиз бозори чаққон мамлакат бой бўлади, тараққий этиб боради, деб бежиз айтмаган. Юртимизда ҳаёт фаровонлашиб, жаҳонга юз тутаётганимиз бунинг исботидир.

**Саъдулла ШОДИЕВ.**




ISSN 2010-5355

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI**

MUASSIS: **O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI**

Bosh muharrir o'rinbosari **Aleksandr VORGUDYAYEV**

Mas'ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**

Navbatchi – **Qobiljon SHOKIROV**

Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**

Matn ko'chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

**TELEFONLAR:** 231-30-40; 231-33-88; **Faks:** 232-05-51.

**E-mail:** postda08@mail.ru

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart.

Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi. INN 200637499.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-6985. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 57239 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

**MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.**